

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент давлат аргар университети  
хузуридаги педагог кадрларни қайта  
тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш  
тармоқ марказ директори, академик  
С.С.Фуломов\_\_\_\_\_

“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**“ЗАМОНАВИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ТЗИМЛАРИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи**

**Тошкент – 2015**

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР .....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	9
1-Мавзу: Замонавий дехқончилик тизимлари .....	9
Замонавий дехқончилика тупроқ унимдорлигини ошириш .....	9
Дехқончилик тамойиллари .....	9
Дехқончилик юритиш тизими .....	11
2-Мавзу: Алмашлаб экиш технологияларини такомиллаштириш. Бегона ўтларга қарши комплекс кураш чораларини қўллаш .....	16
Алмашлаб экиш технологиялари .....	16
Алмашлаб экиш тизимида оралиқ, сидерат ва қишлоғчичи экинлардан фойдаланиш ....	16
Дехқончилика интенсив ва замонавий технологияларни тадбиқ этиш .....	17
Бегона ўтларга қарши комплекс кураш чораларини қўллаш .....	20
3-Мавзу: Экинларини ёмғирлатиб ва аерозоль суғориш тизимлари .....	22
Экинларни ёмғирлатиб суғориш .....	22
Импулсли ёмғирлатиб суғориш тизими .....	27
Экинларни аерозоль суғориш .....	28
4-Мавзу: Экинларни томчилатиб ва тупроқ орасидан суғориш тизимлари .....	30
Экинларни томчилатиб суғориш .....	30
Томчилатиб суғориш тизимининг таркибий қисмлари .....	33
Томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, ишга тушириш ва ундан фойдаланиш ....	39
ГЛОССАРИЙ .....	43

## ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12-июнданги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732- сонли Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда Агрономия йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси учун ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 201 \_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жарайонларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда ишчи ўқув дастурдадастурда тингловчиларнинг “Ўсимликшунослик ва пахтачиликда инновацион технологиялар” модули доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқиган.

“Замонавий деҳқончилик тизимлари” модулининг ишчи ўқув дастури қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экинларни етиштиришда қўлланилаётган замонавий технологиилар ва техникалар ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи, истиқболли сугориш технология-лари ва техникалари, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, сугориш техникаларининг фойдали иш ва ўсмилклардан фойдаланиш коэффициентларини ошириш, Деҳқончиликда энергия ва маблағ тежовчи технологияларни жорий этиш ва Пахтачиликда сугориладиган эрлардан самарали фойдаланиш усулларини, Дончиликда замонавий технологияларни кўллаш сугориш техникаларини техник-иктисодий жиҳатдан баҳолаш каби масалалар бўйича асосий материалларни ўз ичига олган бўлимлардан ташкил топган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Агрономия(дала экинлари)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Агрономия(дала экинлари)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар**

**Тингловчи:**

- Деҳкончиликда энергия ва маблағ тежовчи технологияларни жорий этиш
- Сувдан самарали фойдаланиш, сугоришнинг интенсив , замонавий усулларини кўллаш
- Пахтачиликда сугориладиган эрлардан самарали фойдаланиш усулларини
- Пахтачиликда минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш усулларини
- Дончиликда замонавий технологияларни кўллаш
- Дон ҳосилдорлиги ва технологик сифат кўрсаткичларини оширишнинг илмий асосларини
- Қишлоқ хўжалигига хорижий давлатлар ютукларини **билиши** керак

**Тингловчи:**

- Деҳкончиликнинг асосий конунлари, тупроққа асосий ишлов бериш, тупроққа дастлабки ишлов бериш, тупроққа ишлов беришни минемаллаштириш
- Сугориш усуллари, эгатлаб сугориш, пушталаб сугориш, ёмғирлатиб сугориш, томчилатиб сугориш
- Ерларни текислаш, жорий текислаш, капитал текислаш, шўрланиш турлари, шўрланишга қарши кураш чоралари, шамол эррозияси, сув эррозияси. Эррозияга қарши кураш чоралари
- Алмашлаб экиш тизимини такомиллаштириш
- Ўзга ғалла алмашлаб экиш тизимида оралиқ, сидерат ва такрорий экинларидан фойдаланиш
- Ўзга зааркунандаларига қарши биологик кураш чораларини такомиллаштириш
- Пахтачиликда инновацион технологияларни такомиллаштириш ва жорий этиш
- Дончиликда инновацион технологияларни жорий этиш
- Мойли экинлар етиштиришда инновацион технологияларни жорий этиш
- Озукабоп экинлар етиштиришда инновацион технологияларни жорий этиш кўнилмаларига эга бўлишлари лозим.

**Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалиги соҳасида мониторинг олиб бориш;
- қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини башорат қилиш;
- дала экинлар ҳосилдорлигини дастурлашнинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- дала экинларининг озукага бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
- дала экинларини сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув кўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гурӯхларда ишлаш каби

интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 202 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги малака атестати берилади.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил тальим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот			
1	Замонавий деҳқончилик тизимлари	4	4	2	2				
2	Алмашлаб экиш технологияларини тақомиллаштириш. Бегона ўтларга қарши комплекс кураш чораларини кўллаш.	6	6	2	4				
3	Эқинларини ёмғирлатиб ва аерозоль сугориш тизимлари	6	6	2	4			4	
4	Эқинларни томчилатиб ва тупроқ орасидан сугориш тизимлари	6	6	2	4				
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>22</b>	<b>8</b>	<b>14</b>	<b>0</b>	<b>4</b>		

**НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу: Замонавий дехқончилик тизимлари**

**Режа**

1. Замонавий дехқончиликтә тупроқ унимдорлигини ошириш
2. Дехқончилик тамойиллари
3. Дехқончилик юритиш тизими

Замонавий дехқончилик тизимлари. Суғориши тизимлари. Алмашлаб экиш, Суғориши технологияси. Ўғитлаш мөъёрлари. Хосилдорлик. Суғориши ва ўғитлаш мөъёрлари. Интенсив технологиялар. Тупроқ унимдорлигини ошириш. Алмашлаб экишнинг хосилдорликка таъсири.

**2-Мавзу: Алмашлаб экиш технологияларини такомиллаштириш. Бегона ўтларга қарши комплекс кураш чораларини қўллаш.**

**Режа:**

1. Алмашлаб экишнинг технологиялари.
2. Алмашлаб экиш тизимида оралиқ, сидерат ва қишлоғчичи экинлардан фойдаланиш.
3. Дехқончиликтада интенсив ва замонавий технологияларни тадбиқ этиш.
4. Бегона ўтларга қарши комплекс кураш чораларини қўллаш.

Шўрланган ерларда тўғри алмашлаб экиш. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш. Унумдорлигини ошириш. Алмашлаб экиш, Беда, пахта дон, ем-хашак ва сабзавот экинлари. Шўрланган ерлар. Беданинг мелиоратив аҳамияти. Шўр ювиш. Шўрланган ерларнга мос экинлар экиш.

**3-Мавзу: Экинларини ёмғирлатиб ва аерозоль суғориши тизимлари**

**Режа**

1. Экинларни ёмғирлатиб суғориши
2. Импулсли ёмғирлатиб суғориши тизими
3. Экинларни аерозоль суғориши

Ёмғирлатиб суғориши, Ёмғирлатиб суғориши жараёни, Тупроқнинг қулай сув режими таъминланиши, Тупроқ структураси, Импулсли ёмғирлатиб суғориши, Экинларни аэроздол суғориши, Суғоришинг хосилдорликка таъсири, Суғориши техникалари, Ёмғирлариб суғоришида ишлатиладиган теника ва асбоб ускуналар.

**4-Мавзу: Экинларни томчилатиб ва тупроқ орасидан суғориши тизимлари**

**Режа**

1. Экинларни томчилатиб суғориши
2. Томчилатиб суғориши тизимининг таркибий қисмлари
3. Томчилатиб суғориши тизимларини қуриш, ишга тушириш ва ундан фойдаланиш

Экинларни томчилатиб суғориши, Томчилатиб суғориши, Ер остидан томчилатиб суғориши, Томчилатиб суғориши қурилмалари, Томчилатиб суғоришинг аҳамияти, Томчилатиб суғориши билан ўғитлаш ишлари, Сувдан самарали фойдаланиш.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**Сувнинг ўсимлик ҳаётидаги аҳамияти. Томчилатиб суғоришни кенг жорий этишдаги айрим муаммолар.**

**Режа:**

1. Сув ўсимлик ҳаётидаги асосий озиқа.
2. Ўсимликнинг вегетация давридаги сувга бўлган эҳтиёжи.
3. Суғориш усуллари.
4. Сувдан самарали фойдаланишда томчилатиб суғоришнинг аҳамияти

Кейс: Қишлоқ хўжалигида сувнинг аҳамияти. Кейс: Ўсимликнинг ўсув давридаги сувга бўлган эҳтиёжт ва сарфи. Кейс: Суғориш усуллари. Кейс: Томчилатиб суғоришнинг афзалликлари.

**КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Бу фан бўйича кўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъодод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 3.И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 6.И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 7.И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали

мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
20. Атабаева Х.Н. “Ўсимликшунослик”, “Мехнат” Тошкент 2000 йил.
21. Атабаева Х.Н. “Дончилик”, “Мехнат” Тошкент 2007 йил.
22. Автономов А “Хлопководство”, М., 1982 г.
23. С.А.Азимбоев, С.С.Бўриев, Ч.Р.Бегимқулов, Х.К.Алланов Дехқончилик ва илмий изланиш асослари фанидан лаборатория, амалий машғулотлар. ТошДАУ Т.: 2010.
24. С.А.Азимбоев, З.Артуқметов, Ҳ.Шералиев, У.Норқулов, М.Шодманов. Умумий дехқончилик ва мелиорация асослари. Узкомцентр, Т.2002
25. Вавилов П.П “Растениеводства”, “Агропромиздат”, Москва 1986 год.
26. Вавилов П.П “Ўсимликшунослик”, “Ўзбекистон”, Тошкент 1980 йил.
27. Эрматов А.К «Сугориладиган дехқончилик» «Ўқитувчи» Т.: 1983
38. Посыпанов Г.С «Растениеводство», М., Колос, 1997.с 234.
39. Орипов Р, Халилов Н “Ўсимликшунослик” Тошкент, 2006, 397 б

#### **Интернет маълумотларн**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. [www.zyonet.uz](http://www.zyonet.uz)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
14. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)

**МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**1-Мавзу: Замонавий дехқончилик тизимлари  
Режа**

1. Замонавий дехқончиликтада тупроқ унимдорлигини ошириш
2. Дехқончилик тамойиллари
3. Дехқончилик юритиш тизими

**Таянч иборалар:** тупроқ, дехқончилик, маҳсулдорлик, ҳосил, агрономик, қатор оралари, сугории, ўсимлик, ўғитлаш, алмашлаб экиш. тақрорий экин, экинлар структураси, тупроқ унимдорлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари.

**Замонавий дехқончилиқда тупроқ унимдорлигини ошириш**

“Дехқончилик” дейилгандага авваллари чорвачилик ҳам тушинилган бўлиб, чорвачилик алоҳида соҳа, фан бўлиб ажралиб чиққач, дехқончилик дегандага ўсимликшунослик деб тушунила бошланган.

18 асрда эса дехқончилик дегандага ўсимликшунослик ва тупроққа ишлов бериш билан тушунилади. Фан ривожланиши билан барча агрономик фанлар, яъни ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари, мелиорация, ўғитлар ва бошқа фанлар кўшилиб борди. Физиологик, микробиология, фитопатология, щисимликларни ҳимоя қилиш 19 асрнинг бошларида А.Бера “Самарали қишлоқ хўжалик асослари” номли 4 жилдли илмий ишида дехқончилиkn икки қисмга бўлишни таклиф этди.

Биринчисида, қишлоқ хўжалиги экинларини умумий етиштириш саволлари, иккинчисида – турли ўсимликлар характеристикаси ва уларни етиштириш усуллари асос қилиб олинди.

Кейинчалик 1-чи қисм дехқончилик, 2-чи қисм ўсимликшунослик деб қабул қилинди. XX аср бошларида қишлоқ хўжалиги техника ва қуроллари, ўсимликларни ҳимоя қилиш, мелиорация ва ўғитлар бўйича фанлар алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқди.

Агрономия фанининг замонавий ривожланиш босқичида дехқончилиkn, ердан энг самарали фойдаланиш усуллари ва тупроқ унумдорлигини қишлоқ хўжалиги экинларидан ўсиб борувчи юқори ҳосил олинишини ҳамда ер бирлигидан энг юқори маҳсулот олиш услубларини ишлаб чиқувчи фан ҳисобланади.

Ердан самарали фойдаланишга экинлар структураси алмашлаб экиш, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини тўғри белгилаш орқали эришиш мумкин.

Тупроқ унумдорлиги З хил услуг билан оширилади. Ҳозирги даврда бизнинг тупроқларда шу З та асосий факторни бузилишига қисман йўл қўйдик. бунда асосан

Физик (тупроққа ҳар хил ишлов бериш);

Кимёвий (турли ўғитлар орқали);

Биологик (ўсимлик, микроорганизимлар, алмашлаб экиш...);

**Дехқончилик тамойиллари**

Қишлоқ хўжалиги экинлари яшаш шароити ва уларни бошқариш, бегона ўтлар ва уларга қарши кураш, тупроққа ишлов бериш, алмашлаб экиш таълимоти Дехқончилик тизими ҳисобланади ва дехқончилиknинг асосий тамойилларидан иридир.

Деҳқончилик системалари: Ўт-оловли система, Ҳайдов-паровая система, ерни 50% дан 2/3 қисми ҳайдалади (пар-зерновые, пар-зерновые-зерновые), Дон-ўт деҳқончилик системаси, Ўт далали деҳқончилик системаси

Интенсив деҳқончилик системаси: Донли экинлар алмашиши; Дон-қатор орасига ишланадиган; Қатор ораси ишланадиган экинлар.

Ўсимликшуносликда илмий-тадқиқот ишлари олиб боришнинг долзарб объектларини аниқлаш учун биринчи навбатда республиканинг ер майдонларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш салмоғи-структурасини таҳлил қилиш лозим. Чунки, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ҳукуматнинг бош сиёсати, ҳалқнинг фаровон турмушини кафолатлашнинг, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашнинг негизи ҳисобланади.

Бунинг учун Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2014 йил ҳосили учун сугориладиган ер майдонларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш структурасини кўриб чиқиб таҳлил қилсак, (**жадвал**)

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ғўза майдони 1268492 га.ни барча экин экиладиган майдонга нисбатан **43,3%** ни ташкил этмоқда.

Демак, ғўза экини лидерлигини сақлаб қолиб, ўсимликшуносликда энг долзарб объект ҳисобланади.

Бошоқли дон экинлари 1132630 га.ни яъни **38,6%** ни ташкил этмоқда. Демак, ғаллачилик ҳам 2-чи лидер объект ҳисобланади. Шунингдек,

Сабзавот экинлари - **82597 га – 2,82%**;

Картошка экинлари - **23140 га – 0,8%**;

Озуқа экинлари - **228323 га – 7,8%**;

Мойли экинлар – **35013 га** ;

Шоли - **37940 га.ни** ташкил этмоқда.

Республикамиз ҳудудида қарийиб 150 йилдан ортиқ муддатда пахтачилик соҳаси асосий рол тутиб, ғўза яккахокимлиги хукм суриб келди.

Гарчи, ўша даврда ўт далали ва қатор ораларига ишланадиган деҳқончилик тизими расмий равишда қабул қилинган бўлсада, асосан алмашлаб экишнинг 3:7 схемаси, яъни 3 йил беда, 7 йил ғўза етиштириш тизими сиёсати тўлиқ юритиб келинди.

Демак, республиканинг 70-80 % унумдорлиги юқори, сув билан етарли таъминланган ер майдонларини ҳамиша ғўза экини эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги даврдаги (2014.) қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш структураси – салмоғини таҳлил қилиб кўрсак, жадвалдаги маълумотларга кўра қуйидаги ҳолат намоён бўлмоқда.

**Ғўза майдони:** 2013 йилда 1285500 га, 2014 йилда 1268492 га.ни ташкил этгани ҳолда – 17008 га қисқартирилиб, барча экин экиладиган майдонга нисбатан - **43,3 %** ни ташкил этади.

**Бошоқли дон экинлари майдони:** 2013 йилда – 1137500 га, 2014 йилда 1132630 га, яъни – 4870 га қисқартирилиб, – **38,6 %** ни ташкил этади.

**Сабзавот экинлари майдони:** - 2013 йилда – 76107 га, 2014 йил – 82597 га, яъни +4870 га ортган бўлиб, - **3,86 %** ни ташкил этган.

**Картошка экини майдони:** - 2013 йилда – 20607га, 2014 йилда – 23140 га, яъни +2533 га ортган ва **0,8 %** ни ташкил этган.

**Озуқа экинлари майдони:** 2013 йилда – 230648 га, 2014 йилда 228323 га, яъни 2325 га қисқарган бўлиб, **-0,8 %** ни ташкил этмоқда.

**Демак, республикада қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг амалий тизими бўйича икки экин, ғўза ва бошоқли дон экинлари асосий майдонни эгаллаб, деярлик 82 фоизни ташкил этмоқда.**

Тупроқ унумдорлигини тикловчи ва оширишга хизмат қилувчи озуқа экинлари 0,8 % ни ташкил этмоқда.

Мазкур ҳолатда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор ҳосил етиштириш энг устувор вазифа ва муаммо бўлиб қолмоқда.

**Демак, Дехқончилик тизимида илмий-тадқиқот ишлари биринчи навбатда асосий экинлар ҳосилдорлигини оширилишига, сифатини яхшиланишига қаратилиши керак.**

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, долзарб объектларга қўйидагиларни киритиш мумкин: Пахтачилик, ғаллачилик, дон ва дуккакли мойли, туганак, илдиз мевали, озиқабоп экинлар.

### **Дехқончилик юритиш тизими**

Таъкидлаш жоизки, Республикаизнинг барча суғориладиган ерлари табиатан паст тупроқ унумдорлигига эга бўлиб, озиқа моддалари кам, гумус миқдори 0,7-2,0% ни ташкил этади. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (собиқ СоюзНИХИ) 1926 йилдан бери типик бўз тупроқларнинг ҳосил бераолиши қобилияти ўрганиб келинмоқда.

Ушбу ноёб тажрибада ўғитсиз муҳитда доимий ғўза етиштирилганда, яъни монокультурада ҳосилдорлик ўртача 13-15 ц/гани, ҳозирда эса 10-12 ц/га ташкил этмоқда. Доимий 30 т/га гўнг берилганда 32,2 ц/га, алмашлаб экиш ва минерал ўғитлар қўлланилганда 39,3 ц/га ҳосил олинган.

Доимий ғўза (монокультура) 89 йил мобайнида умуман ўғит берилмасдан, фақат агротехник тадбирлар ўз муддатида олиб борилганда тупроқдаги гумус миқдори деярлик 41 фоизга, азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар (NPK) қўлланган вариантда эса дастлабки кўрсаткичига нисбатан 33 фоизга камайган.

Ҳар йили гўнг қўлланилган вариантда эса гумус миқдори бироз ортганлиги қайд этилган (Турсунходжаев, Болкунов 1986, Тиллаев, 1994). Шунча йил давомида 3:7 яъни, 3 йил беда, 7 йил ғўза алмашлаб экиш тизимида NPK қўлланилганда гумус миқдори 10,3 % га камайганлиги кузатилди.

Мазкур классик тажрибада гумус миқдорини, яъни тупроқ унумдорлигини қисман ортиши фақат 3 йиллик беда ҳайдалгандан сўнг, 4-чи йили шудгор остига 40 т/га гўнг солинган вариантда кузатилди. Мустақиллик йилларигача ушбу солинаётган гўнг сифатига, таркибиغا ҳамда аниқ меъёрига жуда катта эътибор берилиб, ҳужжатлаштирилиб келинган. Ана шу вариантда типик бўз тупроқларда беданинг ҳамда гўнгнинг ҳақиқий аҳамияти яққол намоён бўлиб, ғўза ўсимлиги ҳамда тупроқ унумдорлигининг фаолияти учун, органика ҳайдов ости ва ҳайдов қатламида чамбарчас боғланган ҳолда бўлиши кераклиги ўз исботини топмоқда.

Бу маълумотлар яна ғўза-беда алмашлаб экиш тизимларини тиклаш, жорий этиш мақсадида қайд этилмаяпти. Балки, пахтачилик комплексида фақат минерал ўғитлар, гўнг, дуккакли экинлардан беда ўсимлиги қўлланилганда минерал ўғитлар, гўнг таъсири ҳамда дуккакли экинлардан беда қўлланилиши, уларни атмосферадаги азотни ғўза ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлиги учун ўзлаштиришига (ассимиляция) таъсири ёритилмоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, ғалла ва озиқ-овқат экинлари етиштириш майдонларини кенгайтириш, ғўза майдонларини турғун ҳолатга келтириб, ерларни ҳосил бераолиши қуввати даражасини ошириш шароитида, фаннинг ушбу ноёб маълумотларини

инобатга олиш даври қелди. Фикримизча улар билан ҳисоблашиш фақатгина фойдадан ҳоли бўлмайди.

Чунки, бу деярлик бир асрлик, бир неча сиёсий тузум ҳамда олимлар авлоди имтиҳонидан ҳамда даврлар ҳақиқатлигидан ўтиб келмоқда. Шунинг учун СоюзНИХИ олимлари томонидан 1926 йилда ташкил этилган мазкур “монокультура” тажрибаси ўша даврлар ҳамда ҳозирги дехқончилик юритиш тизими учун кўзгу, барометр ҳисобланади. Ушбу кўзгуга қараб, олиб борилган дехқончилик тизимларининг салбий оқибатларини илғаш қийин эмас.

Лекин, тупроқдаги гумус микдори, тупроқ унумдорлиги ва унинг ҳосил бердалиш қобилятини тиклаш учун ўнлаб йиллар, асрлар талаб этилишини унутмаслигимиз керак.

Тупроқ ҳам табиатнинг жонли мўжизаси. Шунинг учун ҳам тупроққа тириклик жонзотига қилинган эътибор, муомила ёки доно халқимиз айтганидек, “Бир қушга ҳам дон ҳам сув керак” қабилида иш юритишимиш керак. Демак, она заминга ҳам кераклик озуқасини, меҳримизни берайлик, меҳнатини қилайлик. Кейингина, “Эгам” дан ҳамда ердан насибамиш, ҳосилдорликни сўрайлик.

Юқорида келтирилган кўп йиллик илмий-тадқиқот натижаларидан қўйидагича хулоса қилиш мумкин: Республикаизнинг бўз тупроқлари шароитида ўғитларни мақбул нисбат ва меъёрларини қўллаш, дуккакли экинлар экиш ҳажмини ошириш ҳамда ҳар 8-9 йилда бир гектар ер хайдов остига 40 тоннадан гўнг солиниши ҳисобига тупроқ унумдорлиги ҳамда юқори ҳосилдорликни сақлаб қолиш имконияти мавжуд экан.

Бу албатта Ўзбекистоннинг сугориладиган ерлари учун энг мақбул, идеал варианти бўлиб, унга интилишимиз керак.

Лекин, мазкур муаммони ҳал қилиш жуда мураккаб, ҳамда идеал вариантни ҳал қилиш имкониятлари чегараланган. Чунки, бунинг ортида 31 млн.дан ортиқ аҳолини фаровонлиги, озиқ-овқат ҳавфсизлиги турибди. Шунинг учун муаммони ҳал қилишини албатта бошқа йўллари, услублари мавжуд бўлиб, уларни излаш, тадқиқ қилиш талаб этилади. Ушбу жиддий муаммога масъул бўлган илмий ташкилотлар, лаборатория, қолаверса лойиха раҳбар- профессорлари жавоб беришлари керак. Буни вақти келди деб ҳисоблаймиз.

Республика мустақиллигининг ilk давларида озиқ-овқат ҳавфсизлиги мустақиллигини таъминлаш мақсадида экинлар структурасини кескин ўзгартирилиши, сугориладиган ерлардан 1,3 млн.га бошоқли дон экинлари, 1,3 млн.га ғўза жойлашиши ҳисобига, беда, чорва учун озуқабоп экинлар майдонлари қисқартирилди.

Бу тизим шу кунгача ўзини кафолатли, фавқулоддалик функциясини бажариб келмоқда. Унинг ўзига хос камчилик, хатоликлари, тупроқ унумдорлигига жуда юқори даражада босим ўтказилаётганлиги, тупроққа қайтарилиш қонуниятини бузилиши, чорвачиликда кафолатли озуқа етиштириш муаммосини кўндаланг туриши каби масалалар ўзининг ижобий ечимларини топиши даркор

Энди ғўза:ғалла навбатлаб экиш тизимидағи тупроқ унумдорлиги ҳолатини таҳлил қилиб қўрсак. Ғўза экилиб, парваришланиб ўртacha ҳосилдорликни 30 ц/га деб олсан, 3 тонна хом-ашё пахта заводига, 5-7 тонна ғўзапоя ёкиш учун олиб чиқиб кетилади.

Шу майдонга кузги буғдой экилиб, ўртacha 50 ц/га ҳосил олинганда, 5 тонна. дон “Донмаҳсулот”га, 7-8 т/га сомон даладан тозалаб олиниб, чорвага озуқа сифатида тайёрланади.

Демак, 2-йилда, яъни ғўза:ғалла навбатлаб экишнинг бир айланмасида ғўза ҳисобига 8-10 тонна, буғдой ҳисобига 12-13 т/га, жами 20-23 т/га органика маҳсулот сифатида ердан

олиб чиқиб кетилмоқда. Ваҳолонки, ҳар бир экин турини етиштириш учун узоги билан физик ҳолатда 500-600 кг/га маъданли, органик ўғитларни ҳам инобатга олсақ, жами 1-1,2 т/га ўғит солинмоқда холос. Ана шу жараённи бир неча йиллар давомида қайтарилиши оқибатида тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиб, тупроқда қайтарилиш қонунияти бузилмоқда. Бу, ҳосилдорликни кескин пасайиши, сифатини бузилиши, шунингдек тупроқнинг асосий унумдорлигини белгиловчи кўрсаткичларини ёмонлашишида намоён бўймоқда.

Демак, янги илмий асосланган дехқончилик тизими яратилиши зарур бўлиб, унда мелиорация тизими, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш, ўғитлаш тизими, ерга ишлов бериш тизими, ўсимликларни ҳимоя қилиш тизими ва механизациялаштиришни тупроқ унумдорлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш рағбати асосида ташкил этишни талаб этади.

Маълумки, аввалги даврдаги дехқончилик юритиш тизими асосан тупроқ унумдорлигини сақлашга йўналтирилган эди. Табиий ҳолат, ҳалқни ўзимизда етиштирилган нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасидан келиб чиқкан ҳолда, республика дончилигини ўт-далали ва қатор оралари ишланадиган экинлар етиштириш дехқончилик тизимидан, донли экинлар ва қатор оралари ишланадиган дехқончилик юритиш тизимига, кейинчалик эса интенсив ғўза: ғалла навбатлаб экиш тизимига ўтказилди (Тиллаев, 2010).

Шуни таъкидлаш жоизки, республикадаги ўт-далали қатор оралари ишланадиган экинлар етиштириш дехқончилик тизимидан дон ва қатор оралари ишланадиган экинлар етиштириш тизимига босқичма-босқич ўтилди. Жумладан, 1991 йилда суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари 228 минг гектарни ташкил этган бўлса, аввалига 450 минг, икки йилдан сўнг 750 минг гектарга жойлаштирилиб, қабул қилинган беда: ғўза алмашлаб экиш тизимлари Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот иниститутининг тавсияларига асосан қисқа ротацияли алмашлаб экиш схемаларига тўлиқ ўтилди (Тиллаев, Болкунов, Дудчик, 1993) ҳамда маҳсус фармойиш асосида “Ўздаверлойиха” томонидан лойиҳалаштирилиб, республика бўйича тўлиқ жорий этилди.

Лекин, ғаллага бўлган талаб янада ошиб, ғалла мустақиллигига тўлиқ эришиш мақсадида 1995 йилда деярлик 1 млн. гектарга, 1996 йилдан ҳозиргача бошоқли дон экинлари майдони суғориладиган ерларда 1 млн. 300 минг гектарни ташкил этиб келмоқда. Шу сабабли, 1995 йилдан бошлаб давр тақозоси билан беда: ғўза алмашлаб экиш тизимидан бутунлай воз кечилиб, “Экинларни навбатлаб экиш” асослари (Хусанов, Тиллаев, Дудчик, 1995) тизимига ўтилиши ва уни тавсия-асослари эълон қилиниб, республика бўйича тўлиқ жорий этилди ва ҳозиргача давом этиб келмоқда. Амалиётдаги интенсив қишлоқ хўжалик экинларини, яъни асосий экинлар бўлган ғўза: бошоқли дон экинларини ўрин алмаштирилиши-навбатланиши негизида, ғўза: ғалла жадал навбатлаб экиш тизими деб аталди.

Лекин, оралиқ матбуотларда “... янги алмашлаб экиш тизимлари” ёки “янги қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимлари” мавзусида айрим мақола, тавсиялар, илмий-тадқиқот ишлари натижалари учраб турибди. Афсуски, буларнинг кўпчилигига алмашлаб экиш билан навбатлаб экиш тизимлари фарқлана олинмаган. Шунингдек, бу ишлар фалон гектарда жорий этилган деб ёзилган. Лекин, буларни қонунийлаштирилишига эътибор қаратсак, бу ишга бевосита масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қарори ёки фармойиши ҳамда “Ўздаверлойиха”нинг хабари ва тегишли лойиҳалаштириш хужжатлари йўқлиги тажубга солади.

Демак, мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида ягона дехқончилик юритиш интенсив ғўза: ғалла навбатлаб экиш тизими қабул қилинган. Ғўза мажмууда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш амалиётида бир фоиз ҳам янги ёки қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимлари мавжуд эмас.

Тўғри, маҳсус алмашлаб экиш бу мажмуага кирмайдиган маҳсус илмий тадқиқот муассасалари тажриба майдонларида мавжуд бўлиб нав яратиш, бирламчи уруғчилик, чорвачилик комплекслари ва бошқаларда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан мавжуд.

Шуни таъкидлаш жоизки, ғўза:ғалла интенсив навбатлаб экиш тизимини ўзига яраша бир қанча ижобий ҳамда салбий жиҳатлари мавжуд. Энг катта ижобий томони, ердан фойдаланиш ҳамда маҳсулот олиш даражаси жуда юқори. Мисол учун, беда:ғўза алмашлаб экиш тизими шароитида республикамизда асосан 5,0-5,5 млн.тонна пахта хомашёси етиштирилган эди холос. Ҳаттоқи, минглаб тонна истеъмол учун картошка “Марказдан” келтирилган. Ҳозирда эса ҳар йили 3,0-3,5 млн.тонна пахта хомашёси, 8 млн. 50 минг тоннагача ғалла, ҳамда исътемол учун керагидан ортиқ даражада сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ҳаттоқи, уларнинг сезиларли улуши экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон бу борада етакчи давлатлар қаторидан жуда қисқа муддатда жой олди ҳамда Юртбошимизнинг оқилона сиёсати “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилди.

Навбатлаб экиш тизимининг энг катта салбий томони, бу дуккакли экин бедани кескин қисқартирилиши, соя, нўхат, ловия, мош ва бошқа биологик азот ҳамда озуқабоп ем-ҳашак экинларини асосий экинлар улушкида йўқлиги сабабли тупроқда органика камайиши ҳисобига ижобий микробиологик жараёнларни сусайиши, биологик азот йиғилмаслиги, натижада тупроқ унумдорлигини пасайиши, гумусни парчаланиши ва миқдорини камайиши, пировардида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини камайиши ва уларнинг сифатини пасайиши ҳисобланади.

Ҳозирча ушбу салбий жараёнларни олдини олишнинг ягона ички имкониятлари, бу кузги буғдойдан кейин такрорий экинлар экилиши ҳисобланади. Эътироф этиш жоизки, беда:пахта алмашлаб экиш тизимида асосан бор-йўғи 4-5 хил экин тури қатнашган бўлса, ҳозирда такрорий экинлар ҳисобига уларнинг тури 30 дан ортиқни ташкил этмоқда.

Маълумотларга кўра, сув таъминотига асосланган ҳолда республика бўйича ҳар йили 500-700 минг гектар атрофида такрорий экинлар экилмоқда.

Лекин, сув танқис бўлган вилоят ва туманларда такрорий экинлар экиш имкониятлари жуда чекланган бўлиб, тупроқ унумдорлигини тиклаш масаласи асосий муаммо сифатида қолмоқда

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, алмашлаб ва навбатлаб экиш тамойиллари негизида ҳар бир давлатнинг ички ҳамда ташқи бозор талабларини юқори иқтисодий кўрсаткичлар билан қондириш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ётади.

Хулоса тариқасида шуни такидлаш лозимки, мустақилликнинг илк энг ташвишли, озиқ-овқат ҳавфсизлигига кучли ҳавф солинаётган даврда Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб юритган сиёsatлари, пахта майдонларини кескин қисқартирилиши, ғўза, ғалла экин майдонларини тенглаштирилиши, интенсив навбатлаб экиш тизимига ўтилиши, мамлакатни ўз дони, нонига эга қилди, бу борадаги боғлиқлик, қарамлиқдан озод этди. Ўта тахликали даврда навбатлаб экиш тизими ўз вазифаси ва функциясини деярлик бажарди. Ғўзанинг вилт касалликлари ҳам бироз орқага чекинди. Республика иқтисодий

кўрсаткичларини ўсиб бориши бўйича етакчи давлатлар ўнлигидан муносиб жой эгаллади.

Демак, тупроқ унумдорлигини сақлаш, алмашлаб, навбатлаб экиш тизимларини ишлаб чиқишга ҳамда жорий этишга масъул ташкилот ва муассасалар ҳозирги ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар ҳажмини сақлаган ҳолда тупроқ унумдорлигини тикловчи ҳамда оширувчи илмий асосланган дехончилик юритиш тизимини яратишлари – бу давр талабидир. Акс ҳолда, тупроқ унумдорлиги муаммоси, қайтариб бўлмаслик даражасига этиши мумкин

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистонда қўлланиладиган асосий дехончилик тизимларини айтинг?
2. Дехончилик тизимининг асосий таркибий қисмларини кўрсатинг?
3. Биомаҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг абсолют чегараларига нималар киради?
4. Агроландшафт нима?
5. Узун кун ўсимликлар гуруҳига қайси ўсимликлар киради?
6. Ўзбекистонда сув эрозиясига учраган ерлар майдони қанча?
7. Ўзбекистонда суфориладиган ерлар майдони неча гектар?
8. Дехончилик тизимининг таркибий қисмларини боғловчи асос нима?
9. Ер қандай усусларда ҳайдалади?
10. Тупроққа юза ишлов беришга қайси усувлар

### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Яншин А.Л. Экологические проблемы на пороге XXI века. М., «Наука» 1998, - с.5-10.
2. Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х., Дунё мамлакатларида шоли, буғдой, пахта толаси етишириш, Тошкент, 2005.
3. Тиллаев Р.Ш., Болкунов А.С., Дудчик Э.А., Пахтачилик комплексига бошоқли дон экинларини киритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Тошкент, 1993, 126.
4. Тиллаев Р.Ш., Вилт билан заарланган тупроқларда ғўза етишириш технологияси. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасига талабгорлик диссертация иши, Тошкент, 1994.
5. Ҳусанов Р.Х., Тиллаев Р.Ш., Дудчик Э.А., Экинларни навбатлаб экиш асослари (Тавсиялар). Қишлоқ ҳаёти. Тошкент. 1995.
6. Тиллаев Р.Ш., Экинларни навбатлаб экишнинг асослари. ЎзПИТИ, Тошкент, 2010, 99 – 102 б.

**2-Мавзу: Алмашлаб экиш технологияларини тақомиллаштириш. Бегона ўтларга қарши комплекс кураш чораларини қўллаш**

**Режа:**

1. Алмашлаб экишнинг технологиялари.
2. Алмашлаб экиш тизимида оралиқ, сидерат ва қишлоғчи экинлардан фойдаланиш.
3. Дехқончилиқда интенсив ва замонавий технологияларни тадбиқ этиш.
4. Бегона ўтларга қарши комплекс кураш чораларини қўллаш.

**Таянч иборалар:** алмашлаб экиши, шўрланган ер, ем – хашибак, беда, сабзавот экин, тақорорий экин, экинлар структураси, тупроқ унумдорлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари..

**Алмашлаб экиш технологиялари**

Шўрланган ерларда тўғри алмашлаб экиш тизимини қўллаш тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди, унумдорлигини оширади. Алмашлаб экиш таркибига асосан беда, пахта дон, ем-хашибак ва сабзавот экинлари киритилади. Шу экинлар ичida шўрланган ерларда беданинг мелиоратив аҳамияти жуда катта. Беда тез ривожланиб ер сиртини исиб кетишдан ва шамол таъсиридан сақлайди ҳамда сувни ер устидан боғланишини камайтиради.

Беданинг илдизи тупроқнинг чуқур қатламларига сизот сувларигача бориб уларни трансператсияга сарфлайди.

Беда илдизи тупроқнинг сув-физик хоссаларини яхшилайди.

Тупроқ унумдорлигини оширади (200-400 кг/га гача соф азот тўплайди).

Шўр ерларда асосан қисқа ротациялик алмашлаб экиш системалари жорий килинади. Бунда 3:3; 3:4; 3:5; 3:4:1:2 - (Здала беда, 6 дала пахта, 1 дала донли ва шу далага кўкат экинлари экилади) пахта, беда, донли экинлар алмашлаб экиш тизимлари қўлланилади.

**Қисқа ротацияли алмашлаб экиш усуллари.** Бўлардан ташқари ўртача ва кучли шўрланган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун маҳсус мелиоратив дала алмашлаб экиш тизимларидан фойдаланилади. Бунда алмашлаб экиш 1:3:5 ; 1:3:1:1; 1:3:4:1:1 тизимда бўлади. Ушбу тизимларда битта дала мелиорация даласи бўлиб унда турли (текислаш, юмшатиш, кимёвий мелиорация, шўр ювиш, коллектор - зовур тармоқларини таъмирлаш) мелиорация ишлари олиб борилади.

**Алмашлаб экиш тизимида оралиқ, сидерат ва қишлоғчи экинлардан фойдаланиш**

Янги алмашлаб экишни жорий этишда алмашлаб экишга киришиллади, иккинчисида эса уни ўзлаштирилади. Алмашлаб экишга киришилганда алмашлаб экиши лойихаси ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва хўжаликнинг территориясига ўтказилади. Ўзлаштириш алмашлаб экишга ўтиш лойихасини амалга оширишdir. Экинларнинг алмашлаб экиш далалари бўйича жойлаштириши қабул қилинган схемага мос келганда, далаларнинг чегаралари, уларнинг сони ва асосий экинларнинг майдони лойихага мувофиқ бўлгандагина алмашлаб экиш ўзлаштирилган ҳисобланади.

Алмашлаб экишда экинларни йиллар ва далалар бўйича шундай жойлаштириш керакки, муайян вақтдан сўнг шу далага қайта экилганда, уларга нисбатан яхши шароитга эга бўлиши керак. Жумладан тупроқ унумдорлиги юқори бўлиши, заараркунанда—касалликлар, begona ўтлар билан кам зааррланиши лозим.

Сабзавот экинларини бир майдонда муттасил экиш шу экинга хос касаллик ва зааркундандаларнинг кучайиб кетишига, тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Заарли тупроқ микроорганизмларининг тўпланиши ва ўсимликларнинг илдизлари ажратадиган моддлар тупроқни чарчатади. Бир хил экинни муттасил экиш оқибитида ҳосил кескин пасаяди. Шу боисдан экинларни навбатлаш ҳосилдорликни оширишнинг фоят муҳим шартидир.

Алмашлаб экишда сабзавот экинларини навбатлаш кўп жиҳатидан улардан олдин эқиладиган ўтмишдош экинларга боғлиқdir. Ўтмишдош экинлар сабзавот экинларининг хусусиятларига, касалликлар, зааркундандалар, бегона ўтлар, қўлланиладиган агротехник тизимиға қараб аниқланади. Алмашлаб экиш схемасидаги ҳар бир сабзавот экинни ўзининг энг мақбўл ўтмишдошига эга бўлиши керак. Масалан, Ўрта Осиё шароитида қарам, дуккакли сабзавотлар, бодринг, пиёз, илдизмевалилар, шунингдек, полиз экинлари картошка учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Кечки картошка учун ўтлар ҳам яхши ўтмишдош бўлиши мумкин. Бир хил сабзавот экинларини илгариги ерга тақрор экиш маъқул кўрилмайди, улар кўпи билан 3-4 йил оралатиб экилиши керак.

Экинларни навбатлаштиришда уларни экиш муддатларига ҳам боғлаб олиб бориш керак. Алмашлаб экиш схемасидаги сабзавот экинларини навбатлашда органик ва минерал ўғитлардан яна ҳам тўлиқ фойдаланиш имкониятлари кўзда тутилиши лозим.

Ўрта Осиё совуқ тушмайдиган даврлар узоқ бўлади, экинлар сұйний равища сугорилади, бу эса фақат муайян майдоннинг ўзида йилда 2-3 марта ҳосил олиш имконини беради. Эртаги ва тақрорий экинларни тўғри навбатлаб, илғор хўжаликлар эртагисидан ҳам тақрорий экинлардан ҳам юқори ҳосил оладилар. Эртаги ва тақрорий экинлар кўпинча қуидагича навбатлаб экилади. Сўнги йилларда экин майдонларининг маҳсулдорлигини оширишга имкон берадиган оралиқ экинлар киритилмоқда. Бунда куз-киш даврида бўш ётадиган далаларда ўстириладиган экинлар (кўзги жавдар, кўзги арпа, райграс, кўзги вика, нўхат, шабдар, берсим, рапс, хантал) оралиқ экин сифатида экиш мумкин. Уларни соғлигига ёки яхшиси ғалладошларни—дуккакдошлар билан ва крестгулдошларни—дуккакдошлар билан аралаштириб экиш мумкин.

Қишибаҳор даврида оралиқ экинлар экиш сабзавот хўжаликларнинг озиқ ресурсларини кўпайтиришга ёрдам беради. Улардан хусусан дуккакдошлардан апрелмайди, яъни кечки картошка, қарам ва бошқа сабзавотларни экиш олдидан ҳайдаб юбориб кўкат ўғит (сидерат) лар сифатида фойдаланиш мумкин.

Кейинги вақтда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги томонидан беда уч йил ўстириладиган саккиз далали ихтисослаштирилган (сабзавот, полиз ва картошка) алмашлаб экинларни тавсия этган.

### **Деҳҷончилиқда интенсив ва замонавий технологияларни тадбиқ этиш**

Республикамизда сўнги йилларда ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида бир қатор ислоҳатлар амалга оширилди, туб ўзгаришларга ва ютуқларга эришилди. Биргина дончилик соҳасида дон ҳосилдорлиги 17 ц/га дан 55 ц/га га, ялпи ҳосил 900 минг тоннадан 7.5 млн. тоннага етди. Мевачилиқ, сабзавотчилик ва бошқа соҳаларида ҳам катта ютуқларга эришилди. Ҳар бир вилоятда замонавий интенсив боғлар борпо этилди.

Бироқ, қишлоқ хўжалигидаги бу ютуқлар аҳолининг озиқ – овқат маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжини тўла қондира олмайди. Кечаги ютуқлар бугун одатдаги ҳолатга айланади, эртаги кун эса бизни янги мақсадлар, режа ва мэрралар кутиб турмоқда. Бу мэрраларни залб этиш учун эса кечаги кунги иш услуби мутлоқо тўғри келмайди. Чунки

кечаги кунги иш услуби, дехқончилик маданияти ва технологиялар кечаги кунги режаларни бажариш учун тўғри келади, бугунги кунда эса биз ўзгача ёндашиш ва ўзгача дехқончилик услубини қўллашимиз лозим. Бунинг учун ноанъанавий усулларни танлашимиз керак.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунги давр талаби энергия ва маблағ тежовчи янги технологиялар ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобланади. Бизнинг вазифамиз экинлар ҳосилдорлигини ошириш билан чекланмайди. Асосий вазифа маҳсулот таннархини пасайтириш, юқори иқтисодий самарадорликка эришиш.

Бунинг учунбиз қишлоқ хўжалигига туб ўзгаришлар киритишимиз, бу соҳада энг сўнги фан ва техника ютуқларини кенг жорий этишимиз лозим. Бошқа соҳалардаги сингари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ноанъанавий технологиялар қўллашимиз мақсадга мувофиқ.

Ноанъанавий Дехқончилик нима? Бу саволга жавоб беришдан олдин, Дехқончиликнинг кандай усуллари мавжуд? – деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиласиз. Бу тўғрисида турлича фикр мулоҳазалар юритиш мумкин. Тўғрисини айтганда ягона жавобнинг ўзи йўқ. Шундай бўлишига қарамай бир канча технологияларни санаб ўтишга ҳаракат қиласиз:

- ибтидоий дехқончилик. Бу энг қадимги дехқончиликдан бошланиб, XIX аср охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр давомида дехқончилик жуда секин ривожланди;
- экстенсив дехқончилик. Бу технология XIX асрнинг охиридан XX асрнинг 70 йилларигача давом этди. Бу технологияларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш янги ерларни очиш, кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига оширилди;
- интенсив технология. Бу технология XX аср ўрталаридан XXI аср бошларигача давом этди. Бу технологияда қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлиги ошириш фан ва техника ютуқларини қўллаш, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳисобига эришилди. Бироқ, кўргина ҳолларда интенсив технологиянинг қўлланиши атроф мухитга салбий таъсир кўрсатди. Тупроқнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди, маҳсулот сифатини яхшилашдан иборат.

Замонавий технология, сўнги йилларда энг кўп ишлатилаётган терминлардан бирига айланди. Замонавий технологиянинг асосий таълабларидан бири экологик мувозанатни сақлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилашдан иборат.

Бугунги кунда замонавий технологиянинг асосий вазифаларидан бири-энергия ва маблағ тежовчи технологиялар ишлаб чиқиш ва уни жорий этишдан иборат. Ноанъанавий дехқончиликни маълум даражада замонавий технологиянинг таркибий кисми деб қарашимиз мумкин. Ҳар иккаласининг максад ва вазифаларида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд.

Замонавий технология ҳам, ноанъанавий дехқончилик ҳам нисбий тушунча, чунки кечаги кунги энг янги, замонавий технологиялар эртаги кунга келиб эскиради ва одатдаги технология ҳисобланади. Кечаги кунда ноанъанавий ҳисобланган технологиялар, ишлаб чиқаришда кенг жорий этилса одатдаги ҳол бўлиб ҳисобланади.

Ноанъанавий дехқончилик нима? Бу технологияга канлай технологиялар мисол бўла олади? Бу саволларга бир оғиз сўз билан жавоб бериш қийин. Ноанъанавий дехқончилик тўғрисида аниқ бир андоза ҳам мавжуд эмас. Бу тушунчани ҳар ким ҳар хил тушуниши мумкин. Мухими унинг ноанъанавийлигига эмас, балки Дехқон ва фермер хўжаликлари томонидан тан олиниши ва ишлаб чиқаришга жорий этилишида.

Маълумки бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалик экинлари асосан суғориладиган Шароитда етиширилиб, 1 га экин майдонига ўртача  $9\text{-}10$  минг  $\text{м}^3/\text{га}$  сув сарфланади. Истроил давлатида дехқончилиқда томчилатиб суғориш усули кенг жорий этилган бўлиб, 1 га майдонга ўртача  $3\text{-}3.5$  минг  $\text{м}^3/\text{га}$  сув сарфланади. Қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлиги эса издагига нисбатан карий  $2\text{-}2.5$  маротаба юқори. Демак , томчилатиб суғориш жорий этилганда фойдали иш коефициенти камида  $5\text{-}6$  маротаба ортади. Яъни, умумий суғориладиган экин майдонлари камида 3 маротаба , экинлар ҳосилдорлик 2-3 марта ортади.

Махсулот таннархини камайтириш учун тупроққа ишлов беришни минемаллаштириш, анғизга экиш усулини жорий этиш лозим. Сўнгти йилларда АҚШ, Бразилия, Хиндистон, Австралия ва шу сингари жуда кўплаб давлатларда тупроққа ағдармасдан юза ишлов бериб, анғизга экиш усулини қўллаш тоборо кенг жорий этилиб бормокда. Бу технологияни жорий этилиши авзалликлари қўйидагилардан иборат:

- ёқилғи, мойлаш материаллари сарфи 2-маротаба маротаба камаяди;
- сув сарфи 30% га камаяди;
- уруғларни қисқа муддатлар давомида экиб ундириб олиш имконияти вужудга келади;
- тупроқ юза қисмининг минемал бузилиши;
- тупроқнинг юза қисмида ўсимлик қолдиқлари сакланиб қолади.

Бу технологияни жорий этишда бир катор авзалликлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, бегона ўтларнинг кўпайиб кетиши. Айниқса бу муаммо , суғориладиган дехқончилик шароитида яқол намоён бўлади. Шу туфайли бу усул бегона ўтлардан нисбатан тоза майдонларда, шунингдек гербесинларни қўллаш билан бирга амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Тупроққа шудгорсиз юза ишлов берилганда, асосий ишлов учун сарфланадиган ёқилғи сарфининг сезиларли камайиши билан бир қаторда эрта баҳорги дастлабки ишлов учун сарфланадиган ёқилғи сарфи ҳам сезиларли камаяди. Чунки тупроққа юза ишлов берилганда тупроқ юзасида йирик кесаклар, шунингдек свал ва расваллар бўлмайди. Натижада ерни текислаш учун кетадиган харажатлар кескин камаяди.



**Расм 1. Суғориладиган майдонларда ғўза, маккажўхори ва бошқа экинларни анғизга экилган олати**

Анғизга экиш усулини қўллаш айниқса бўғдойдан бўшаган майдонларда тақрорий экин сифатида маккажӯҳори ва дуккакли дон экинлари экилганда катта иқтисодий самарадорликка эга.

Қишлоқ хўжалигига ноанъанавий усуллардан бири-аралаш экиш усуllibарини жорий этиш. Маълумки, экинлар аралаш ҳолда экилганда соф ҳолда экилганда экилганга нисбатан ҳар доим юқорироқ ҳосил етиштирилади.

### **Бегона ўтларга қарши комплекс қураш чораларини қўллаш**

Бегона ўтлар кўпайишининг олдини олиш ва ғўза илдизининг ривожланиши учун кулай шароит яратилади. Акс ҳолда унинг тескариси бўлади ва ҳосилнинг кескин камайиб кетишига олиб келади.

Ишлов бериш одатда чигит экиб бўлинганидан кейин бошланади.

1. Қатор оралари 60 см қилиб экилган майдонларда култиваторнинг иш органлари камидা 40-45 см кенгликда;

2. 90 см қилиб экилганда эса 70-75 см кенглика ишлайдиган қилиб ўрнатилиши лозим. Ғўза 20-25 см бўлиб ўсгунча култиваторга албатта сферик диск ўрнатилиши шарт. Бу ғўзанинг тупроқ билан кўмилишига ва шикастланишига мутлақо йўл қўйилмайди.

Ғўза 60 см экилганда 40-45 гектар ерга 1 та чопиқ трактори, 90 см экилганда эса 70—75 га ерга битта чопиқ трактори ажратилади. 6 қаторли МТЗ-80 трактори эса 100 гектар ерга ажратилади.

#### **2-жадвал**

Тажриба номери	Ер етилиши билиноқ ишлиланган	Ишлов бериш 4- 6 кўнга кечикканда	Ишлов бериш кечикиши ҳисобига ҳосилнинг камайиши	
			cГга	%
1- тажриба	29,8	22,3	7,5	25,2
2-тажриба	34,1	27,6	6,5	19,1

#### **3-жадвал**

**Култиватор иш органларини ғўза ва ернинг холати ҳамда ривожланиш даврларига  
қараб ўрнатиш.**

№	Қатор оралари кенглиги	Шоналашгача			Гуллаш ва пишиш даврида		
		Ҳимоя зонаси, см	Қаторлар ён боши чуқурлиги, см	Қаторлар ўртаси чуқурлиги, см.	Ҳимоя зонаси, см.	Қаторлар ён боши чуқурлиги см.	Қатор-лар ўртаси чуқурлиги см.
1	60	7-8	6-8	10-12	10-12	8-10	14-16
2	90	7-8	6-8	10-12	10-12	8-10	16-18

Култивация (айниқса 1- ва 2-) жуда секинлик билан тракторнинг 1 тезлигига ғўзаларни кўмиб ва кесиб кетмайдиган даражада, ҳамма эҳтиёт чораларини қўрган ҳолда олиб борилиши керак.

**4-жадвал**

**Култивация сонинг пахта ҳосилдорлигига таъсири**

<b>Култивация сони</b>	<b>Пахта ҳосили га/с.</b>
5	46,4
7	43,4
9	39,4

Ғўза қатор ораларини кўпи билан 5-6 марта култивация қилиш мақсадга мувофиқдир, 8-10 марта култивация ҳосилнинг камайишига олиб келади. Мустасно тариқасида, ўт босган, ғўзаси ўсишдан орқада қолган ерлардагина 7-8 мартагача култивация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ғўзани ўтоқ қилиш ва кетмон чопиғи ҳозирги илғор хўжаликларда ғўзалар мавсумда 1-2, баъзан 2-3 мартагача ва бу август ойининг иккинчи ярмида тугалланади.

Кетмон чопиғи асосан ҳимоя зонасини юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида мавсумда 1-2 марта ўтказилади.

Ғўза қатор ораларини дастлабки ишлашда култиваторларга 8 - та пичоқ (4 та ўнақай ва 4 та чапақай) ва 7 та ғозпанжа ўрнатилади.

Кейинчалик юмшатиш учун ишлов берилганда ҳар бир қатор орасига 4 тадан наралник, 1 тадан ғозпанжа, туташ ва 2 тадан норалник 1 тадан ғозпанжа ўрнатилади ва ҳаракатланувчи ғилдирак олдига ҳам юмшатгич ўрнатилади.

**Назорат саволлари:**

1. Асосий ишлов беришга қўйиладиган талаблар?
2. Кўзги шудгорлаш?
3. Баҳорги шудгорлаш?
4. Тупроққа ишлов беришни минималлаштириш?
5. Тупроққа экишдон олдин дастлабки ишлов бериш?
6. Бегона ўт турлари?
7. Бегона ўтларга қарши кураш чоралари?
8. Бир йиллик бегона ўтлар?
9. Кўп йиллик бегона ўтлар?

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Атабаева Х.Н. “Ўсимлиқшунослик”, “Мехнат” Тошкент 2000 йил.
2. С.А.Азимбоев, С.С.Бўриев, Ч.Р.Бегимкулов, Х.К.Алланов Дехқончилик ва илмий изланиш асослари фанидан лаборатория, амалий машғулотлар. ТошДАУ Т.: 2010.
3. С.А.Азимбоев, З.Артуқметов, Ҳ.Шералиев, У.Норқулов, М.Шодманов. Умумий дехқончилик ва мелиорация асослари. Узкомцентр, Т.2002
4. Вавилов П.П “Растениеводства”, “Агропромиздат”, Москва 1986 год.
5. Эрматов А.К «Сугориладиган дехқончилик» «Ўқитувчи» Т.: 1983
6. Посыпанов Г.С «Растениеводство», М., Колос, 1997.с 234.

### 3-Мавзу: Экинларини ёмғирлатиб ва аерозоль сугориш тизимлари Режа

1. Экинларни ёмғирлатиб сугориш
2. Импулсли ёмғирлатиб сугориш тизими
3. Экинларни аерозоль сугориш

**Таянч иборалар:** сугории, ёмғирлатиб сугории, аерозоль сугории,, шўрланган ер, ем – хашак, беда, сабзавот экин, тақрорий экин, экинлар структураси, тупроқ унимдорлиги, қишилоқ ҳўжалиги экинлари

#### Экинларни ёмғирлатиб сугориш

Ёмғирлатиб сугориш сифатини ёмғирлатиши жадаллиги, ёмғир томчисининг ўлчами, сугориладиган дала бўйича ёмғирнинг бир текисда тақсимланиши каби кўрсаткичлар – сунъий ҳосил қилинадиган ёмғир тавсифи белгилайди. Ёмғирлатиб сугориш жараёнида тупроқ-нинг қулай сув режимини таъминланиши тупроқ структурасининг бузил-маслиги, ўсимлик органларининг шикастланмаслиги, тупроқ устида кўлкоб ва сув оқими вужудга келмаслиги сугоришни сифатли ўтказилганлигини кўрсатади.

Ўртача ва йўл қўйиладиган ёмғирлатиши жадалликлари ўзаро фарқланади. Ўртача ёмғирлатиши жадаллиги маълум бир майдонга тушган ёғин миқдорини (мм) унинг тушиш вақтига нисбати орқали аниқланади. Ушбу параметр тупроқнинг сув ўтказиш қобилиятига кўра ёмғирлатиши машина ёки агрегатини танлашда инобатга олинади. Тупроқ устида кўлкоб ёки сув оқими пайдо бўла бошлиши ёмғирлатиши давомийлигини чеклайди. Йўл қўйиладиган ёмғирлатиши жадаллиги тупроқ устида кўлкоб ёки сув оқими пайдо қилмасдан, белгилangan сугориш меъёри таъминланадиган жадаллик бўлиб, у тупроқ шароитлари, жойнинг нишоблиги ва экинлар қопламига боғлик ҳолда турлича миқдорларда бўлади (21- жадвал).

#### Екинларни ёмғирлатиб сугоришнинг йўл қўйиладиган жадаллиги, мм/мин.

21- жадвал

Тупроқлар	Нишоблик			
	0–0,05	0,05–0,08	0,08–0,12	> 0,12
Қумлөк	0,85	0,85	0,64	0,42
Енгил қумоқ	0,74	0,53	0,42	0,32
Ўртача қумоқ	0,42	0,34	0,25	0,17
Оғир қумоқ ва соз	0,09	0,07	0,05	0,04

**Ёмғир томчисининг ўлчами** йўл қўйиладиган ёмғирлатиши жадаллиги, сувнинг буғланишга исроф бўлиши, тупроқнинг зичланиши, сугориш меъёрининг тупроқ усти оқими пайдо бўлгунича йўл қўярли миқдорига таъсир этувчи кўрсаткич ҳисобланади. Масалан, сув томчисининг диаметри 1,0–1,5 мм ва ёмғирлатиши жадаллиги 0,5 мм/мин. бўлганда сугориш меъёрининг йўл қўйиладиган миқдори  $130\text{--}700 \text{ м}^3/\text{га}$ , 2,0 мм бўлганда эса  $50\text{--}190 \text{ м}^3/\text{га}$ . га тенг бўлади. Ёмғирлатиши аппаратидан сув эркин оқимда тушганда турли ўлчамдаги томчилар ҳосил бўлади, оқим тезлиги қанчалик катта бўлса, сув

шунчалик кўп майда томчилар ҳосил қиласди. Ўсимлик ва тупроққа қулай ҳисобланган сув томчисининг диаметри 0,4–0,9 мм. ни ташкил этади.

Сунъий ёмғирлатиш сифатининг асосий кўрсаткичи бу суғори-ладиган дала бўйлаб ёмғирнинг бир текисда тақсимланиши бўлиб, у самарали суғориш ва етарлича суғорилмаганлик кoeffитсиентлари орқали аниқланади. Самарали суғориш кoeffитсиенти суғорилган май-доннинг қанча қисми йўл қўярли жадалликда суғорилганлигини кўрсатади. Ёмғирлатиб суғориш машиналари ва қурилмаларига кўйилган агротехник талабларга кўра бу кўрсаткич 0,7 дан кам бўлмаслиги лозим. Етарлича суғорилмаганлик кoeffитсиенти эса даланинг қандай қисми йўл қўйиладиган меъёрдан кичик миқдорда суғорилганлигини кўрсатади. Уни 0,15 дан кичик бўлиши талаф этилади.

**Ёмғирлатиб суғориш турлари.** Ёмғирлатиш муддати ва тавсифига ҳамда тупроқ ва ўсимликларга таъсир этишига кўра одатдаги ва импулсли ёмғирлатиб суғоришлар фарқланади.

Одатдаги ёмғирлатиб суғориша тупроқнинг 0,5–0,6 м. ли ҳисобий қатламида қулай сув захираси ҳосил қилиш ва ерга яқин ҳаво қатлами микроиқлимини яхшилаш мақсадида экинлар 6–12 кун оралатиб суғориб турилади. Испулсли ёмғирлатиб суғориша ҳаво намлиги тақчиллигини камайтириш мақсадида экинлар ҳар куни ҳарорат энг юқори бўлган вақтда (соат 12 дан 15 гача) суғориб турилади.

Хозирги кунда табиий ва ташкилий-хўжалик шароитларга боғлиқ ҳолда кўчмас, ярим кўчма ва кўчма ёмғирлатиб суғориш тизимлари қўлланилиб келинмоқда.

**Кўчмас ёмғирлатиб суғориш тизимлари** магистрал, тақсим-лаш ва суғориш қувурлари, сув тақсимлаш қудуклари, ёмғирлатиш аппаратлари ўрнатилган гидрантлар ва насос стансияларидан иборат.

Ёмғирлатиш аппаратларининг сув сарфи секундига 1–80 л. ни ташкил этади. Ушбу тизимни барпо этиш учун асосий харажатлар кўп талаф этилади.

**Ярим кўчма ёмғирлатиб суғориш тизимлари** кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. У кўчмас суғориш қувурлари ёки каналлар ва насос стансияларидан, кўчма ёмғирлатиб суғориш машиналари, агрегатлари ва қурилмаларидан иборат. Бундай тизимларда кўп таянчли айланма ва кўндаланг ҳаракат қилувчи машиналар, икки қанотли машиналар, ёмғирлатгич шлейфлар, ўрта-ча отар ёмғирлатгич қурилмаларидан фойдаланилади.

**Кўчма ёмғирлатиб суғориш тизимлари** нисбатан кичик участкаларни суғориша кўлланилади.

Бунда тизим элементларининг барчаси бир жойдан икинчи жойга тўлиқ кўчирилиб юрилади. Осон қисмларга ажralадиган алюмин қувур ва ўртача отар ёмғирлатгич аппаратли қурилмалардан фойда-ланилади.

Замонавий ёмғирлатгич аппаратлари ёмғир томчисини учеб бориш узоклигига кўра яқинга отар, ўртача отар ва узокқа отар турларига бўлинади. Яқинга отар турларига 0,05–0,2 мПа босимда ишлайдиган ва сувни 4–8 м масофага отадиган учлик (насадка) лар киради. Ўртача отар аппаратлар 0,1–0,4 мПа босимда ишлайди, уларнинг сув сарфи 5 л/сек. ва фаолият радиуси 15–35 м. га teng. Узокқа отар аппаратлар эса 0,4 мПа дан ортиқ босимда ишлайди, сув сарфи 5 л/сек. ва ундан кўп, сувни отиш масофаси 35–100 м ва ундан ортиқ (22- жадвал).

22- жадвал

**Ёмғирлатгич аппаратларининг техник таснифи**

Аппаратлар	Сув сарфи, л/сек.	Ёмғирлатиш жадаллиги, мм/мин.	Суғориш майдони, м <sup>2</sup>	Таъсир радиуси, м	Оғирлиги, кг
ДД-80	55–85	0,3–0,64	10540–11310	57–60	28
ДД-50	38–55	0,39–0,43	6082–9852	44–70	27
ДД-30	16–30	0,15–0,25	5027–11310	40–60	16
Роса-1	0,5–1,25	0,112–0,284	531–1385	13–21	0,6
Роса-2	1–3,4	0,183–0,243	707–2463	15–28	1,4
Роса-3	2,5–9,5	0,157–0,292	1662–3848	23–35	1,6


**Яқинга отар ёмғирлатиб суғориш аппаратлари** сирасига ДТ-75М, Т-4, Т-150 тракторларига ўрнатилиб ишлатиладиган икки консолли ёмғирлатиш агрегатлари ДДА-100М ва ДДА-100МА киради (26- расм). Улар жойнинг нишоблиги 0,003 дан катта бўлмаган ерларда техник, сабзавот, полиз, ем-хашак ва донли экинларни суғоришда кенг кўлланилади. ДДА-100М агрегатининг сув сарфи 100 л/сек. ДДА-100МА агрегатиники эса 130 л/сек. га teng (23- жадвал). Агрегат сувни очиқ тармоқдан 8К-12 насоси ёрдамида олади. Очиқ тармоқлар агрегатнинг қамраш кенглиги – 120 м масофада қурилади.

23- jadval

**Ayrim yomg'irlatib sug'orish mashina va agregatlarining texnik tavsifi**


Mashina va agregatlar rusumi	Suv sarfi, l/sek.	Yomg'irlatish jadalligi, mm/min.	Bir o'tishda yomg'ir qatlami qalinligi, mm	Qamrash kengligi, m	Ish unum-dorligi, ga/soat	Xizmat ko'rsatish maydoni, ga
Кубань-М	180	1,1	5,5	800	1,02	170–190
Кубань-Л	200	1,3	7,9	800	1,2	190–210
Волжанка (ДКШ-64)	64	0,27	–	800	0,385	60–70
Фрегат (ДМУ-Б42-90)	90	0,25	19,4	556	–	102,2
Днепр (ДФ-120)	120	0,3	–	460	0,71	110–130
ДДА-100МА	130	–	5	120	0,78	120–140
ДДН-100 (ДТ-75М)	85	0,3	–	75	0,51	80–90
ДДН-70	65	0,22	–	69,5	0,39	60–70
ДШ-25/300	25	0,13	–	60	0,12	25
КМ-50А	47,2	0,28	–	576	0,29	50
ДШ-10	12,8	–	39–93	50	0,11	10

Суғориш меъёри агрегатнинг далада бир неча маротаба олдинга ва орқага юриши орқали таъминланади. Ёмғирлатиб суғоришда иш вақтидан фойдаланиш коеффиценти 0,7–0,8 га teng. Агрегатга 1–2 ишчи хизмат кўрсатади.



**26- расм. ДДА-100МА ёмғирлатиб сугориш машинаси.**

**Ўртача отар ёмғирлатиб сугориш машина ва қурилмала-ри.** ДКШ-64 «Волжанка» гилдиракли ёмғирлатиш қувурларининг узунлиги 395,6 м ва диаметри 130 мм. га бўлиб, мустақил ишловчи икки қанотдан иборат (27- расм).



**27- расм. ДКШ-64 «Волжанка» ёмғирлатиб сугориш машинаси.**

Машина ёпиқ тармоқдан гидрантлар ёрдамида сув олади. Да-лада кўндаланг ҳаракат қиласи. Иш позитсиялари оралиғи 18 м, сув от-иш узоқлиги 17–18 м. Нишоблиги 0,02 дан катта бўлмаган ерларда кўлланилади.

ДМУ «Фрегат» машинаси «А» шаклидаги кўп таянчга эга бўлиб, ёпиқ тармоққа уланган қўзғалмас гидрант атрофида айланма ҳаракат қилиб, асосан, ёппасига экилган ем-хашак экинларини суғоришда кўлланилади. Сув узатиш қувурига 38–50 та ўртача отар ёмғирлатиш аппаратлари ўрнатилган. Ёмғирлатиш жадаллиги 0,2–0,32 мм/мин. Машинанинг иш унумдорлиги қувурнинг узунлиги ва суғориш меъёри миқдорига боғлиқ бўлиб, белгиланган суғориш меъёри машинанинг ҳаракат тезлигини ўзгартириш орқали таъминланади. Машина минерал ўғитларни аралаштириш ва узатиш қурилмаси билан жиҳозланган. Машинанинг сменадаги иш унумдорлиги 4,5–5,0 га, мавсумда 84–144 га майдонга хизмат қиласи(28- расм).



**28- расм. Кўп таянчли ёмғирлатиб суғориш машинаси.**

**ДФ-120 «Днепр»** кўп таянчли ўртача отар ёмғирлатиб суғориш машинаси ёпиқ тармоққа ўрнатилган гидрантга телеско-пик шарнир ёрдамида уланадиган қувур орқали сув олиб, нишоблиги 0,02 дан катта бўлмаган ерларда техник, донли, сабзавот, ем-хашак ва полиз экинларини суғоришда қўлланилади. Сув узатувчи қувур 24 та таянч тележкаларга ўрнатилган. Қувур 34 та «Роса-3» ёмғирлатгич аппаратлари ва 35 та гидрант билан таъминланган. 0,47 км/соат тезликдаги ҳаракат кўчма ДП-11000 электр стансиясидан ишловчи мотор-редуктор ёрдамида амалга оширилади. Машинанинг иш фаолияти «Волжанка»ники кабидир. Ёмғирлатиш қамрови 460 м ва кенглиги 27 м. Машинага бир ишчи хизмат кўрсатади.


**«Радуга» (КИ-50) ирригатсия комплекти** мураккаб релефли ерларда техник, сабзавот ва ем-хашак экинларини суғориш учун мўлжалланган; кўчма насос стансияси, кўчма ёмғирлатиш қурилмаси ва ГФП-50 ўғит аралаштиргич мосламаси билан таъминланган. Ёмғирлатиш қурилмаси учта гидрантга эга. Магистрал қувур, иккита таксимлаш қувури ва «Роса-3» ўртача отар ёмғирлатгич ўрнатилган тўртта қанотдан иборат. Қурилмага 2–3 киши хизмат кўрсатади.

**3-50Д «Зигма» ёмғирлатиш жиҳозлари** нишоблиги 0,1 гача бўлган ерларда бўйи 90 см. гача бўлган экинларни суғориш учун мўлжалланган. Кўчма насос стансияси, магистрал қувур ва автомат ҳолда ишловчи ёмғирлатгич аппаратлари ўрнатилган еттига қувурдан иборат. Магистрал қувур 120 ва 150 мм диаметрдаги 6 м. ли алюмин қувурлардан иборат бўлган 942 м умумий узунликка эга.  $12^{\circ}$  гача бўлган қияликларда ишлаши кўзда тутилган. Сув сарфи 39,2 л/сек., ёмғирлатиш жадаллиги 0,12–0,28 мм/мин., ёмғирлатиш аппаратининг қамров радиуси 18 м. Сменадаги иш унумдорлиги 4 га, мавсумда 50 га майдонга хизмат кўрсатади.

**ДШ-25/300** ёмғирлатиш шлейфи кўндаланг ва бўйлама нишобликлари тегишлича 0,07 ва 0,05 гача бўлган ерларда дала экинлари ва боғларни суғориш учун мўлжалланган. У 102 мм диаметрли ва 150 м узунликдаги пўлат қувур ҳамда унга бир-биридан 50 м масофада ўрнатилган учта КД-10 ёмғирлатгич аппаратидан иборат.

Сув шлейфга 300 м оралиқда жойлаштирилган құвурлар ёрдамида 50 м босимда узатиласы. Шлейф бир жойдан иккінчи жойға тракторлар ёрдамида күчирилады. 5–10 та шлейфга бир тракторчи ва бир ишчи хизмат күрсатады.

**Узоққа отар ёмғирлатиб сұғориш аппаратлари** сирасига ДДН-70, ДДН-100 машиналари кирады (29- расм). Улар техник, донли ва сабзавот экинларини, шунингдек, боғ ва яйловларни сұғориш учун мүлжалланган. Даңада бир-биридан 100–120 м оралиқда қурилған очиқ тармоқдан сув олиб ишлайды. Машиналар осма рама, кардан вали, бир босқичли силиндрик редуктор, консолли насос, узоққа отар ёмғир-латгич аппаратлари ва уни сектор бүйіча ёки түлиқ айлантириш қурил-маси, ўғит аралаштиргич баки билан таъминланған бўлиб, ДТ-75М, Т-4А, Т-150 тракторларига ўрнатилған ҳолда ишлатилади. Иш ҳолати бир жойдан иккінчи жойға күчириб юриш орқали таъминланади. Сув босими ДДН-70 учун 52 м ва ДДН-100 учун 65 м, сув сарфи тегишли равища 65 ва 100 л/сек.



**29- расм. ДДН-100 узоққа отар ёмғирлатиб сұғориш машинаси:**

1 – тракторнинг осма тизими тортқиси; 2 – рама; 3 – сувни сұрувчи линия; 4 – ёмғирлатгич аппаратини ҳаракатлантирувчи механизм; 5 – ёмғирлатгич аппарати; 6 – ўғит аралаштиргич; 7 – эжекторли қурилма.

ДДН-70 машинаси сувни 70 м ва ДДН-100 эса 80–85 м узоқликка отади. Уларнинг фойдали иш коеффицентлари 0,8 га тенг. Машиналарга бир ишчи хизмат күрсатади.

### **Импулсли ёмғирлатиб сұғориш тизими**

Импулсли ёмғирлатиб сұғориш тизими ёмғирлатиб сұғоришнинг истиқболли йұналиши бўлиб, бунда сув турли конструкциядаги махсус ёмғирлатгичлар ёрдамида бўлиб-бўлиб, кичик микдорларда тақ-симланади. Бу усул билан нишоблиги 0,05 дан 0,3 гача бўлган мураккаб релефли ерларда резавор мевали боғлар, техник, сабзавот ва ем-хашак экинлари сұғорилади. Марказий Осиёning қурғоқчил шароитида ундан юқори самарада фойдаланиш имкониятлари катта.

Синхрон импулсли ёмғирлатиши тизими сув олиш иншооти, насос стансияси, алоқа линиялари, сұғориш тармоғи, импулсли ёмғирлатгич аппаратлари, сұғоришни автоматлаштирилған ҳолда бошқариш тизими, назорат ўлчов асбоблари билан таъминланған. Мазкур сұғориш усулида құвурлар диаметри кичиклаштирилғанлыги сабабли одатдаги ёмғирлатиб сұғориш машиналари ва агрегатларига қараганда кам металл

талааб этилади, тупроқни устки ва ҳавони ерга яқин қатламининг микроиқлими доимий қулай ҳолда таъминланиб турилади.

Ушбу тизим сирасига КСИД-10А **синхрон-импулсли ёмғирлатиб суғориш комплекти** киради (30- расм). Комплект 10 га. ли модул участкаларга мослаб лойиҳалаштирилади. Унинг таркибига 20, 25, 32, 50, 70, 80 ва 100 мм диаметрдаги пўлат кувурлар, ДИ-15 импулсли ёмғирлатгич, буйруқ сигналлари генератори, СНС насослари, ростлаш арматуралари, назорат-ўлчов жиҳозлари, бошқариш пулти, ГПД-50 ўғит аралаштиригич, авариядан ҳимоя қилиш тизими киради.

КСИД-10А комплектининг сув сарфи 12 л/сек., ёмғирлатиш жадаллиги 0,007 мм/мин., 600 м<sup>3</sup>/га меъёрида иш унумдорлиги 0,008 га/соат, ёмғирлатгич аппаратларининг сони 59 та, умумий оғирлиги 12 т. ни ташкил этади.



**30- расм.** Бедани синхрон-импулсли ёмғирлатиб суғориш комплекти КСИД-10А билан суғориш.

### Экинларни аерозоль суғориш

Аерозол суғориш (айрим адабиётларда майда дисперс ёки туман ҳолида суғориш деб юритилади) суғоришнинг нисбатан янги усули бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинлари учун қулай микроиқлимни вужудга келтиради. Аерозол суғоришда ҳавонинг ерга яқин қатламининг нисбий намлиги оширилади, ўсимлик ер устки органларининг ҳарорати 6–12 градусга пасайтирилади. Бундай суғориш куннинг энг иссиқ вақтида ҳар бир-икки соатда қайта-қайта ўтказилиб турилади. Бир марта суғоришда гектар ҳисобига 0,8–1 м<sup>3</sup> сув берилади. Аерозол суғоришда маҳсус қурилмалар ёрдамида сув диаметри 400–600 ммк бўлган жуда майда томчиларга айлантирилади. Куруқ ҳаво ва иссиқ шамоллар бўлиб турадиган раёнлар, тупроқ намлиги ортиқча бўлган шароитларда боғ, резавор мевалар ва сабзавот, ем-хашак, техник экинларни суғоришда бу усулдан тез-тез ёки узлуксиз фойда-ланиш юқори самара беради.

Сув гидродинамиқ, гидромеханик ва пневмогидродинамиқ усул-ларда туман ҳолига келтирилади. Аерозол суғоришда кўчмас ва кўчма тизимлардан фойдаланилади. Уларнинг ишчи органлари ёмғирлатгич ёки учлик (насадка) типида бўлади. «Радуга» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилган майда дисперс ёмғирлатгич кўчмас тизими секундига 0,08–0,11 л сувни туманга айлантириб, 1 га майдонга 0,48–0,66 л/сек.

жадалликда узатади. Шамол тезлиги 3–6 м/сек. бўлганда ёмғирлатиш жадаллиги ўртacha 0,06 мм/сек. ни ташкил этади. Битта сувчи-оператор 100 га майдонга хизмат кўрсатади. Тизим кувурларининг диаметри 42 мм, умумий узунлиги гектарига 300 м.

Шунингдек, собиқ Бутуниттифоқ гидротехника ва мелиоратсия ИТИ конструксиясидаги МДД-ТОУ-7, ДДА-100МА агрегатига ўрнатила-диган қурилмалардан фойдаланилмоқда.

Туман ҳосил қилувчи форсункалар сифатида ҳаво пуркагич, ростла-нувчи дефлекторли пуркагич, айланувчи дискли пуркагич, вихр камерали марказдан қочирма форсункалар ишлатилади.

Аерозол суғориш ўсимликлар фотосинтезининг яхшиланишини, ҳосилдорликнинг кўпайишини, етиштирилаётган маҳсулот сифатини ортиши ҳамда сув сарфини 40–50 фоизгача камайтиришни таъминлайди.

### **Назорат саволлари**

1. Суғоришнинг янги техника ва технологиялари фанининг мазмuni.
2. Кўпланилаётган ва истиқболли суғориш усуллари.
3. Кўпланилаётган ва истиқболли суғориш техникалари.
4. Суғориш усули ёки техникасини танлаш тартиби.
5. Суғориш усули ва техникасига қўйилган талаблар.
6. Ёмғирлатиб суғориш ва уни қўллаш мақсадлари.
7. Тупроқ устидан суғориш ва уни қўллаш мақсадлари.
8. Тупроқ орасидан суғориш ва уни қўллаш мақсадлари.
9. Аэрозоль суғориш ва уни қўллаш мақсадлари.
10. Ёмғирлатиб суғоришни самарали қўллаш шароитлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Artukmetov Z.A., Allanov X.K. Sug'orishning yangi texnologiyalari va undan foydalanish. T.: Toshkent Davlat agrar universiteti, 2010. – 132 b.
2. Сандигурский Д.М., Безроднов Н.А. Механизация поливных работ. М.: Колос, 1983.
3. Сапунков А.П. Механизация полива дождеванием. М.: Колос, 1984.
4. Артукуметов З.А. Суғоришнинг янги техника ва технологиялари. (Маъруза матнлари). Т.: ТошДАУ нашр-таҳририят бўлими, 2003.-38 б.

**4-Мавзу: Экинларни томчилатиб ва тупроқ орасидан суғориш тизимлари  
Режа**

1. Экинларни томчилатиб суғориш
2. Томчилатиб суғориш тизимининг таркибий қисмлари
3. Томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, ишга тушириш ва ундан фойдаланиш


**Таянч иборалар:** *сугории, томчилатиб сугории, тупроқ орасидан сугории, сув ресурслари, сув босими, тупроқ намлиги, эгат, эгатлаб ва томчилатиб сугории, сув олиши ва тозалаш инишоотлари; насос стансияси, ўғитларни аралашибтириши қурилмаси, сугории тармоғи, алоқа линиялари, автоматлашибтириши тизими, иҳота дараҳтлари, дала йўллари*

**Экинларни томчилатиб суғориш**

Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда сув ресурсларининг тақчиллиги кучли сезилаётган ҳозирги кунда сугоришнинг тежамли технологияларини (масалан, томчилатиб суғоришни) лойиха-лаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига татбиқ этиш мухим аҳамият касб этади.

Томчилатиб суғориш қишлоқ хўжалиги амалиётида қўлланила-ётган нисбатан янги суғориш усули бўлиб, бунда маҳсус филтрлар ёрдамида тозаланган сув томчилатгичлар орқали томчи шаклида тупроққа берилиб, ўсимликнинг илдиз тизими энг кўп тарқалган тупроқ қатламини локал намиқтиришга эришилади.

Томчилатиб суғориш тупроқнинг фаол қатламида намликни деярли бир хилда таъминлаб, экиннинг бир текисда ўсиб ривожланишига қулай шароит яратади. Бунда тупроқнинг намиқиши контури тупроқ шароитларига боғлиқ ҳолда турлича болади (31-расм). Суғориш суви босим остида қувурлар тармоғи орқали ҳар бир ўсимликка ёки ўсимликлар қаторига узатилиб, ўсув даври давомида ўсимликларни сувга эҳтиёжига мувофиқ керакли миқдордаги сув билан таъминлаб турилади. Бундай тизимларда сув билан биргаликда минерал ўғитларни эритилган ҳолда тупроққа бериш имконияти мавжуд.



**31-расм. Томчилатиб суғориша тупроқнинг намиқиши контури:**

*a – оғир тупроқда; б – енгил тупроқда.*

Томчилатиб суғориш, асосан, қуруқ ва иссиқ иқлимга эга Австралия, АҚШ, Янги Зеландия, Мексика, Тунис, Испания ва бошқа кўпгина давлатларда кенг тарқалган (30-жадвал). Украина (Крим) ва Молдовада, шунингдек, Шимолий Кавказда мевали боғ, токзорлар, сабзовот ва дала экинларини суғориша кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистонда 1975 йилдан бошлаб тажриба тариқасида боғ ва токзорларни суғориша татбиқ қилина бошланди. Шу йили САНИИРИ нинг Жиззах вилояти Зомин туманидаги тажриба

## ЗАМОНАВИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ТЗИМЛАРИ

хўжалигига дастлаб 10 га, сўнгра 200 га токзорни, 1977 йилда Хоразм вилояти Хива туманида 1,5 га мевали боғни, Шрёдер номидаги БУ ва Б ИТИ да 2 га боғни суғориш учун Ўзбекистонда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш тизими ташкил этилди. 1993 йилда республикада томчилатиб суғориш тизимлари майдони 1134 га. га етказилди. 1991–1992 йилларда Андижон вилоятидаги «Савой» хўжалигига Истроил технологияси асосидаги томчилатиб суғориш тизими 1 минг га пахта майдонига татбиқ қилина бошлаб, унинг 500 га ишга туширилди. Ўтган асрнинг 90- йилларининг иккинчи ярмида янги 600 га майдонда томчилатиб суғориш тизими барпо этилди. 1999–2001 йилларда Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ҳар бирида 100 га. ли майдонларда Истроилнинг «Нетафим» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш тизими ишга туширилди.

### 30- жадвал

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида томчилатиб суғориш майдони (2000 й.)

Мамлакатлар	Майдони, минг га	Мамлакатлар	Майдони, минг га
АҚШ	1 050	Истроил	161
Хиндистон	260	Франсия	140
Австралия	258	Мексика	105
Испания	230	Миср	104
Жанубий Африка	220	Япония	100
<b>Жаҳон бойича жами:</b>			<b>3 201</b>

1994 ва 1995 йилларда Кўйи Чирчик туманида 196 га майдон-даги ғўзани томчилатиб суғорища қўйидаги натижалар олинган: суғориш меъёри  $300 \text{ m}^3/\text{га}$ ; эгатлаб суғорища мавсумий суғориш меъёри  $8225 \text{ m}^3/\text{га}$ , яъни томчилатиб суғоришдагига нисбатан 3 марта кўп. Ҳосилдорлик эгатлаб суғорища 26,4 с/га бўлса, томчилатиб суғорища 40 с/га. ни ташкил этди, яъни қўшимча ҳосил гектарига 11,6 с. ни ташкил этди. Ҳар гектар майдонни томчилатиб суғоришга ўтказиш 2000–5000 АҚШ доллари ҳажмида капитал харажат қилишни талаб этади.

Сўнгги йилларда ушбу суғориш усули ғўзани суғоришга кенг татбиқ этила бошлади: фақатгина 2008 йилда 3500 гектардан ортиқ майдонда томчилатиб суғориш тизими барпо этилди. 2009 йилда 1539 ва 2010 йилда 141,9 га майдонга татбиқ этилди. Шунингдек, еомчилатиб суғоришни ҳимояланган ерларда кенг кўламда қўллаш имкониятлари аниқланди.

Томчилатиб суғориш ер юзасидан ва ёмғирлатиб суғориш-ларга нисбатан қўйидаги афзалликларга эга: ўсимликларнинг илдиз тизими тарқалган тупроқ қатламигини намлантирилиши туфайли суғориш техникасининг фойдали иш коеффиценти 90–95% ни ташкил этади (егатлаб ва ёмғирлатиб суғоришларда бу кўрсаткич 70–75% дан ортмайди); сувдан тежамли фойдаланиш (одатдаги суғоришга нисбатан 1,5–2 марта кам); сувнинг филтратсия ва буғланишга энг кам микдорда бўлиши; оқова чиқарилмаслиги; ирригатсия эрозиясининг юзага келмаслиги; катор ораларини зичланмасдан, доим юмшоқ ҳолда бўлиши; тупроқнинг қулай намлигини таъминланиши; ўғитларни тупроққа локал киритиш имкониятининг мавжудлиги; мураккаб релефли жойларда қўллаш мумкинчилиги; ҳосилдорликнинг ўртача 20–50 % га ортиши ва бошқалар (31- жадвал).


Томчилатиб сугоришни қўллашнинг самарадорлиги (САНИИРИ, 2009–2011 й.й.)

Тадқиқотлар болиб борилган жойлар	Екин тури	Сугориш сувининг тежалиши, %	Мехнат ресурслариниг камайиши, %	Хосилдорликнинг ортиши, %
Наманган вилояти Уйчи тумани	боғ	60	25	-
	пахта	65	60	90–156
Фарғона вилояти Фарғона тумани	боғ (шафтоли)	32	25	108
Қашқадарё вилояти Китоб ва Нишон тум.	узум	30	30	25
	пахта	35	50	59
Қорақалпоғистон рес.	помидор	54	60	65

Сурхон-Шеробод даштидаги тақирли-ўтлоқи тупроқларда Б. Жўракулов ва Ш.Мирзаев (2001) томонидан ғўзани ҳар хил сугориш техникалари самарадорлигини ошириш бўйича 1997–1999 йиллар давомида маҳсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, бунда эгатлаб (ҳар бир эгатдан ва эгат оралатиб), томчилатиб (намлагичлар ҳар бир эгатга ва эгат оралатиб жойлаштирилган), плёнка тўшама устидан (тўшама ҳар бир эгат ва эгат оралатиб ётқизилган) ва ёмғирлатиб сугориш техникалари ўрганилган. Ушбу шароит учун мақбул бўлган 0–50 см. ли ҳисобий қатламда сугоришлардан олдинги тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 70–75–65 фоиздан юкори даражада тутиб туриш учун ғўза одатдаги эгатлаб сугориш варианларида 5 марта 5545–5585 м<sup>3</sup>/га умумий меъёрда суғо-рилган бўлса, томчилатиб сугоришда 10 марта 2945–3050, плёнка устидан сугориш варианларида 10 марта 2140–1840 м<sup>3</sup>/га умумий меъёрда сугорилган. Ғўза томчилатиб ва плёнка тўшама устидан сугорилганда сувни оқовага сарфи ва чуқур қатламларга филтратсияга бўладиган исрофини камайиши эвазига мавсумий сугориш меъёри эгатлаб сугоришдагига нисбатан 50–60 фоизга камайган. Шунингдек, эгат узунлиги бўйлаб тупроқнинг бир хил чуқурликда намиқтиришга эришилган, ўсимликнинг ўсиб ривожланиши яхшиланган ва гектаридан қўшимча 8–12 с. дан ҳосил олинган.

Австралияда минерал ўғитларни сугориш суви билан эриган ҳолда қўллаш азотли ўғитларни 44–57 фоиз тежаш имкониятини беришлиги аниқланган. Тизимнинг жорий харажатлари ер юзасидан сугоришга қараганда 90–92 фоизга, ёмғирлатиб сугоришга нисбатан эса 64–71 фоизга камайиши АҚШ ва Австралия қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўз тасдиқини топган.

Томчилатиб сугоришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ушбу тизимда тупроқнинг намлиги ва унга берилаётган сув тўлиқ бошқарилади. Сугориш суви ўсиб ривожланиш даврлари бўйича экиннинг эҳтиёжига мувофиқ дала бўйлаб бир текисда етказиб берилади ва тупроқнинг намиқишини таъминлайди (32- расм).




**32- расм.** Эгатлаб ва томчилатиб сугоришиларда тупроқ намлигининг бошқарилиши.

Томчилатиб сугориши усули қатор афзаликлар билан бир қаторда қуидаги камчиликлардан ҳоли эмас: тизимни барпо этишга асосий харажатларнинг нисбатан кўплиги; қувур ва томчилатгичларни сувдаги йирик кўшилмалар, кимёвий бирималар билан ифлосланиши ва сув ўтказмай кўйиши; сувни дала бўйлаб бир текисда тақсимланмаслиги; сугориладиган дала микроқлимини бошқариш мумкинчилигининг йўклиги; боф ва токзорларни қайта барпо этишда тизимни янгидан қуриш лозимлиги ва бошқалар.

Томчилатиб сугориши сув ресурслари билан кам таъминланган қурғоқчили минтақаларда, бошқа сугориши усулларини қўллаш мумкин бўлмаган мураккаб релефли ерларда, сугориши суви чучук ёки кам минераллашган ва сув ўтказувчанлиги юқори бўлган енгил қумоқ, қумли шўрланмаган тупроқлар шароитларида қўллаш тавсия этилади. Бундай сугориши тизимини чучук сизот сувлари 2 м. дан, минераллашган сизот сувлари 4 м. дан чукурда бўлган шўрланмаган ва нишоблиги 0,05 дан катта ерларда барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Томчилатиб сугориши тизимининг таркибий қисмлари**

Тизим қуидаги асосий таркибий элементлардан ташкил топган: сув олиш ва тозалаш иншоотлари; насос стансияси, ўғитларни аралаштириш қурилмаси, сугориши тармоғи, алоқа линиялари, автоматлаш-тириш тизими, ихота дараҳтлари, дала йўллари ва бошқалар. Сугориши тармоғи полиетилен ёки асбестсементдан тайёрланган сув узатиш магистрал қувури, тақсимлаш қувурлари, полиетилендан тайёрланган эгилувчан сугориши қувури ва томчилатгичлардан иборат бўлади (33- расм).



**33-расм.** Томчилатиб суғориш тизимининг схемаси: 1—сув олиш узели; 2—босим ҳосил қилувчи узел; 3—бош сурма клапан; 4—фильтр; 5—сув ўлчаш қурил-маси; 6—манометр; 7—алоқа линиялари; 8—ўгит-ларни аралаштиргичузатгич; 9—магистрал қувур; 10—тақсимлаш қувури; 11—ма-софадан туриб бошқарилувчи сурма клапан; 12—суғориш қувурлари; 13—сув чиқаргич-томчилатгич; 14—суғориш муқаррар-лигини аниқловчи датчик; 15—бошқариш пулти.

**Насос стансияси** (курилмаси) сифатида, одатда, ички ёнув двига-теллари ёрдамида ишловчи (мотопомпалар) ва электр насослардан кенг фойдаланилади. Томчилатиб суғориш тизимида электр насосларни қўллаш имконияти бўлмаган ёки улардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган ҳолларда мотопомпалардан фойдаланилади. Насос стансиясининг қуввати ( $\text{м}^3/\text{соат}$ ) суғориладиган майдон-нинг сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондира ва томчилатиб суғориш тизимининг мўтадил ишлаши учун зарур бўлган босимни (м) вужудга келтира оладиган ҳолда танланади. Аксарият томчилатиб суғориш тизиминлари учун сувнинг филтрлаш иншоотига кирадиган қисмида 2–3 атм (20–30 м) босим ҳосил қиласидаги насос қурилмалари тури қўлланилади. Танланган насос қурилмаси суғориш тизимининг энг узокда жойлашган қисмида зарур босимни ҳосил қила олиши лозим. Тизимда камида 2 та насос қурилмаси (асосий ва захира) бўлиши кўзда тутилади.

Агар сув манбаи экинзордан анча баландда жойлашган бўлса насос қурилмасидан фойдаланмаслик имконияти мавжуд.

**Сувни филтрловчи стансия** (курилма) томчилатиб суғориш тизими фаолиятининг самарадорлиги ва узок муддат ишлаши-ни таъминлайди. Сувни тозалашда турли филтрлардан (суғориш сувини қисман ёки тўлиқ тозаловчи) фойдаланилади.

Қўлланиладиган филтрнинг тури манбадаги сувнинг сифатига боғлиқ ҳолда танланади (33- жадвал). Сувни қисман тозаловчи филтрлар, асосан, қумли филтрлар (диаметри 1,2–2,4 мм бўлган қум) кўринишида бўлиб, улар сувдаги йирик заррачаларни тутиб қолади (34- расм). Сувни тўлиқ тозаловчи филтрлар тўрли ёки дискли филтрлар кўринишида бўлиб, улар сувдаги майда заррачаларни тутиб қолиш учун хизмат қилади.

**Филтр типини сув манбаига боғлиқ равишда аниқлаш**

Сув тури	Сув манбаи	Ифлослантирувчи	Филтрлаш тури
Ер ости сув манбалари	Кудук	Кум, калсий карбонати	Тўрли ёки дискли филтрлар
	Чуқур кудук	Кум, калсий карбонати, темир	Тўрли филтр ёки қум сепаратори (зарур ҳолда)
Ер усти сув манбалари	Дарё, сой	Органик модда, сув ўтлари	Кум-шағалли ва назорат филтрлар
	Канал	Органик модда, сув ўтлари	Кум-шағалли ва назорат филтрлар
	Сув омбори, кўл, ҳовуз	Органик модда, сув ўтлари	Кум-шағалли ва назорат филтрлар

Филтрлар ҳам қўлда, ҳам автоматик ювилади-ган бўлади. Тўрсимон филтрлар сувдаги қум ва йирик дисперс заррачаларни, донадор филтрлар эса органик ва минерал майда ва йирик дисперс заррача-ларни тутиб қолади. Суғориш учун ер ости сув-лари ишлатилгандан тўрли ёки дискли филтрлардан фой-даланиш тавсия қилинади.

Ҳар бир алоҳида шароит учун тозалач иншооти тегишли техник-иқтисодий ҳисоблар ва варианларни таққослаш орқали танланади.

Филтрнинг шағал қатлами сувни тескари оқизиш билан ювиб турилади. Филтрни ювиш муддатлари оралиғи сувнинг тозалиги ва қанча кўп оқиб ўтаётганлигига боғлиқ. Сув қанчалик лойқа бўлса филтрни тез-тез ювиб туриш талаб қиласди. Одатда филтрлар суткасига камида икки маротаба ювилади.

**Ўғитларни тайёрлаш ва сувга аралаштириш мосламаси** томчилатиб суғориш тизимининг ажralмас қисми ҳисобланиб, ҳозирги кунда «Вентури» типидаги инжектор, ўғитловчи идиш ва дозатрон (миксрайт, агрорайт ва б.) мосламалар кенг қўлланилади (35- расм).



**35- расм. «Вентури» типидаги инжектор ўғит эритмасини суғориш сувига бир текисда қўшилишини таъминлайди**

«Вентури» мосламаси босим ўзгариши ҳисобига ишлайди ва, одатда, поли-мер материалдан тайёрла-нади. Инжектор тизимнинг ўғит берувчи мослама-сига ўрнатилади. У ўғит эритмасини сугориш суви-га бир текисда қўшилишини таъминлади

Ўғтловчи идиш ёпик типдаги идиш бўлиб, унинг кирувчи ва чиқувчи жўмраклари идишга сув кириш ва ундан ўғит аралашма-сини чиқарилиши учун хизмат қиласди.

Томчилатиб сугориш тизимининг қувурлари магистрал (бош) ва тарқатувчи қувурларга бўлинади.

**Магистрал қувур** сугоришга бериладиган сувни насос стансиясидан тақсимлаш қувурларигача етказиб бериш учун хизмат қиласди. У занглашмайдиган турли хил материаллардан тайёрланади. Магистрал қувур зарур миқдордаги сувни ўтказа олиш ва юқори босимда ишлаш қобилиятига эга бўлади. Одатда, диаметри 110 ва 75 мм бўлган қувурлардан фойдаланилади. Қувурлар, ак-сарият ҳолларда, тупроқ остига (0,5 м. гача чу-курликда) ётқизилади (36- расм).



**36- расм. Магистрал қувур ва уни хандақقا жойлаштириш**

**Босим ростлагичи** тизимда босим ортиб кетиши ва гидравлик зарба юзага келишини олдини олиш учун босимни камайтириш ва бир хилда тутиб туришга хизмат қиласди. Улар гидравлик кўринишда ёки пружина типиси бўлиши мумкин. Босим ростлагичлар тақсимлаш қувуридан олдин ўрнатилади ва улар автоматик тарзда ишлайди. Босим манометр ёрдамида назорат қилиб турилади.

**Тақсимлаш** (тарқатувчи) **қувурлари** сувни магистрал қувурдан томизгичли шлангларга етказиб бериш учун хизмат қиласди. Улар, одатда, полиилендан тайёрланади ва ички диаметри (32 мм дан 75 мм. гача) зарур миқдордаги сувни ўтказа оладиган ҳолда танланади. Тақсимлаш қувурлари 0,7–1 м чуқур-ликка, сугориш қувурлари эса ёки тупроқ остига жойлаштирилади. Сўнгги вақтларда Лейфлет (*Layflat*) типисидаги эгилувчан қувурлардан кенг фойдаланилмоқда (37 ва 38-расмлар). Улар иссик ва совукка чидамли, 5 йилдан ортиқ хизмат қиласди ва 4 атм. босимга бардош беради. Мазкур қувурлар мавсум бошида экин даласида йер устига ётқизилади ва мавсум тугалланиши билан йиғиштириб олинади.



**37- расм. Лайфлат типидаги эгилувчан қувур.**



**38- расм. Магистрал қувурга тақсимлаш қувурини улаш.**

**Ҳаво чиқарувчи клапан** тизимдаги ҳавони чиқариб юбо-риш ва унга ҳаво киритиш учун хизмат қиласи. Бунда босимни камайтирувчи клапан, одатда, тизимнинг энг баланд нуқтасига ёки магистрал ва тақсимлаш қувурларнинг охирига ўрнатилиади.

Томчилатиб суғориш элементларини бир-бири билан бирлаштириш (улаш) учун турли қўринишдаги **бирлаштирувчи қисмлар** (бурчак, учлик, бирлаштиргич, жўмрак, тиқин, қопқоқ ва б.)дан фойдаланилади. Улар полимер материаллардан тайёрланади. Одатда 6–10 атм. босимга бардош бера оладиган ва резбалари конус типида бўлган улагичлар ишлатилади (39- расм).

**Томизгичли шланглар** сувни тақсимлаш қувуридан экин илдизигача етказиб бериш учун хизмат қиласи. Томизгичли шланглар полиетилен материалдан тайёрланади ва унинг диаметри сув сарфига қараб танланади. Амалиётда диаметри 20, 16 ва 12 мм бўлган шланглар ва томизгичли ленталардан кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда қўйидаги турдаги томизгичли шланглардан фойдаланилмоқда: томизгич шлангнинг ташқарисига ёки шлангни қирқиб ўрнатиладиган; томизгич шлангнинг ичига ўрнатиладиган ва томизгичли ленталар (40, 41, 42 ва 43- расмлар).

Томизгичли шланглар ер устига жойлаштирилганда боғ ва токзордаги қаторлар йўналиши бўйлаб 0,5–0,7 м баландликда шпалерага ўрнатилади ёки дараҳтга осиб қўйилади. Иккинчи ҳолатда қатор йўналиши бўйлаб ер устига ётқизиб чиқилади: янгидан барпо этилаётган боғ ва токзорларда 0,5 м. дан кам бўлмаган чуқурликка ётқизилади ва тақсимлаш қувурига уланади.



**39- расм. Бирлаштирувчи ва ростловчи қисмлар.**



**40- расм.** Картошкани томчилатиб суғориш тизимининг кўриниши.



**41- расм.** Сабзавот экинларини томчилатиб суғориш тизимининг кўриниши.



**42- расм.** Маккжўхорини томчилатиб суғориши.




**43- расм.** Помидорни томчилатиб суғориши.

Томчилатиб суғориш тизимлари уларда қўлланилаётган томизгичларнинг тури бўйича фарқланади. Қуйидаги турдаги томизгичлар қўлланилиб келинмоқда: сув босимини камайтирувчи лабиринтли ва спирал каналли ҳамда мембранали-компенсаторли томизгичлар. шлангга орнатилишига кора шлангни қирқиб орнатилувчи, шлангни тешиб орнатилувчи ва шлангнинг ичига орнатилувчи томизгичлар фарқланади (44, 45 ва 46-расмлар).



**44- расм.** Шлангни қирқиб ўрнатилувчи томизгичлар.



**45- расм.** Шлангни тешиб ўрнатилувчи Молдавия-1А микро-сувчиқаргич-томчилатгиchi: 1 – корпуси; 2 – дроссел; 3 – шайба-қистирма; 4 – қопқоғи.



**46- расм. Шлангнинг ичига ўрнатилувчи томизгичлар**

Мембранали-компенсаторли томизгичлар кўп мақсадларда, пўкак-сузгич (поплавок) ли томизгичлар асосан лойка сувдан фойдаланилаётган шароитларда ишлатилади. Енгил тупроқли ерларда 1–4 м радиусда дисперс суғориш учун микроучлик-пуркагичлар, кенг қатор оралика эга боғларда 4–5 м радиусда суғориш учун микроёмғирлатгичлар кўлланилади. Молдавия-1А (сув сарфи 4–8 л/сек.), Водполимер-3 (5 л/сек.), Таврия-1 (7–10 л/сек.), Горная (1,5–2,5 л/сек.), КУ-1 (4 л/сек.), К-383 (5 л/сек.), Узгипроводхоз-2, Бўстон-1, Бўстон-2, Бўстон-3 каби конструксиядаги томизгичлар кўлланилиб келинган.


Томизгичлар 1,5–2,0 кг/см<sup>2</sup> босим остида ишлайди, 2,0–24 л/соат сув сарфига эга. Улар диаметри 16 мм бўлган томизгичли шлангларга бири-биридан маълум масофада (20, 25, 30, 50 см. дан 6 м. гача) ўрнатилади. Боғларни суғориш учун сарфи 2,0 л/соатга teng томизгичлар шлангнинг дараҳт танаси атрофида 2–3 тадан бир-биридан 25–50 см масофада ўрнатилади, шлангнинг қатордаги дарҳтлар орасидаги қисмига ўрнатилмайди. Сув сарфи катта бўлган томизгичлардан фойдаланилганда ҳар бир дараҳт танаси ёнига 1–2 дона томизгич ўрнатилади.

**Шланг деворининг ташқи қисмига ёки шлангни қирқиб ўрнатиладиган томизгичлар** кўп йиллик дараҳтларни суғориш-да қўлланилади.

Шлангнинг ичига ўрнатиладиган томизгичлар мевали дараҳт-ларни ва бир йиллик экинларни суғоришида фойдаланилади. Бундай томизгичли шланглар завод шароитида тайёрланади. Улардан кўп йиллик экинларни суғоришида фойдаланишда маълум қийин-чиликлар юзага келади

### **Томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, ишга тушириш ва ундан фойдаланиш**

Томчилатиб суғориш тизимлари тузилган лойиҳа асосида қурилади (монтаж қилинади). Қувурлар томчилатиб суғориш тизими схемасига мос равишида участкага ёйилиб, ерга ётқизиб кўйилади. Қувурлар шундай ҳолатда тўлиқ тўғрилангунга қадар (20–25 с ёки 1 сут.) ётиши лозим. Сўнгра магистрал қувурларнинг тақсимлаш қувурлари уланадиган нуқталарида тақсимлаш тугуни учун тешик очилиб, у ерга учлик, штутсер ва сувни очиб-ёпувчи механизмлар (вентил, соққали кран ва бошқалар) уланади (48-расм).



**48- расм. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Исабаев Нурмирза» фермер хўжалигига мевали боғ учун лойиҳалаштирилган томчилатиб суғориш тизими**

Тақсимлаш тугуининг чиқиши жойига тақсимлаш қувурлари уланади. Тақсимлаш қувурининг томизгичли шланглар уланадиган нуқталарида қувурнинг ён томонидан қиринди ҳосил қилмайдиган махсус тешикочқичлар ёрдамида диаметри 12 мм бўлган тешиклар очилади ва уларга штутсер-дроузеллар уланади. Тешик-очқич ички диаметри 12 мм бўлган пўлат қувурдан тайёрлаб олиниши мумкин.

Магистрал қувур ва тақсимлаш тугунлари ер юзасидан 0,25 м чуқурликка жойлаштирилади. Шлангдаги сувни бошқариш вақтида қийинчилик түгдирмаслиги учун тақсимлаш тугунлари ёғочдан тайёрланадиган  $0,5 \times 0,5$  м ўлчамдаги қопқоқли кутига жойлаштирилиши лозим. Томизгичли шланглар тақсимлаш қувурига доим перпендикуляр ҳолатда ётқизилади. Шланглар тақсимлаш қувурининг бир ёки иккала томонига ҳам ётқизилиши мумкин. Бир йиллик экинлар етиштириладиган далаларда томизгичли шланглар эгатнинг тубига ётқизилади, токзорларда эса шпалералардаги энг пастки симга илиб қўйилади. Тақсимлаш қувурига штутсер-дроузел ўрнатилгандан сўнг унга эгат бўйлаб ётқизилган томизгичли шланг уланади ва штутсернинг гайкаси билан қотириб қўйилади. Бунда томизгичли шланг тараңг тортилиб қолмаслиги керак.

Тақсимлаш қувури ва томизгичли шлангларнинг охирни тикинлар билан беркитиб қўйилади ёки қувур ёхуд шланг букланиб, боғлаб қўйилади.

Томчилатиб суғориш тизимлари ишга туширилишидан олдин яхшилаб ювилади. Бунинг учун тизимга сув берилишидан аввал қувур ва шлангларнинг охиридаги тикинлар олиниб, улар очиб қўйилади. Биринчи модулнинг тақсимлаш тугуни очилиб, тақсимлаш қувури босим остида ювилгандан сўнг унинг охирни тикин (заглуш-ка) билан ёпилади. Бунда сув томизгичли шлангларга қараб оқади ва улардан оқиб чиқа бошлайди. Сув шланглардан 3-5 мин. оққанидан сўнг, ишлаб турган ҳолатида уларнинг охирни бирма-бир ёпиб чиқилади. Шундан сўнг сув оқиб чиқаётган ҳамма жойлар беркитиб чиқилади.

Модул тўлиқ ювилиб, ундан сув оқиб чиқиб кетмаётганлиги текшириб чиқилгандан сўнг тизимдаги босим ўлчаб қўрилади: Ҳар бир томизгичли шлангнинг охиридаги тикин олиниб, унинг ўрнига шкаласи оралиғи  $0,05 \text{ кг}/\text{см}^2$  бўлган манометр қўйиб

кўрилади. Манометринг кўрсаткичи дафтарга қайд қилиб борила-ди. Бунда модул шлангларидаги босимлар 5% дан ортиқ фарқ қилмаслиги керак. Зарур ҳолларда томчилатиб сугориш тизимининг ҳар бир шлангидаги босим дросселларнинг диаметрини ўзгартириш орқали ростланади. Босимини ростлаш, одатда, энг узокдаги шланг-дан бошланади. Томчилатиб сугориш тизимининг бошқа модул-ларида ҳам худди шундай текшириш ва ростлаш ишлари ўткази-лади.

Томчилатиб сугориш тизимларини ишлатишда унинг гермик-лигига асосий эътибор қаратилади ва у доимий равишда текшириб турилади. Агар тизимнинг бирон бир жойидан сув оқиб чиқаётган бўлса у дарҳол бартараф этилиши лозим. Акс ҳолда сув ва ўғитлар даланинг барча нукталарига бир хилда етказиб берилмайди.

Томчилатиб сугориш тизимлари ҳар ойда 2 марта ювиб, тозаланиб турилиши лозим. Бунинг учун шлангларнинг охиридаги тиқинлар навбати билан 3–4 сек. давомида очиб қўйилади.

Тизим шлангларида қотиб қолган тузларни эритиш ва ёпишган сув ўтларини чиқариб юбориш учун мавсум давомида қувур ва шлангларга 1–2 марта нитрат кислотасининг 0,5% ли эритмаси юборилади ва 15–20 с. дан кейин ҳар бир модул тоза сув билан ювиб ташланади. Мавсум охирида эса тизимга нитрат кислотасининг 2–3% ли эритмаси билан ишлов берилади ва томизгичли шланглар штутсер-дросселлардан ажратилади ҳамда уларнинг ўрнига қопқоқлар кийди-рилади. Томизгичли шланглар даладан йиғиб олиниб, омборларга сақлаш учун қўйилишидан олдин уларга хлорид кислотасининг 1–3% ли эритмаси билан ишлов берилади.

Тизимнинг барча соққали кранлари мавсум оралиғида очиқ ҳолда қолдирилади ва мавсум олдидан улар яхшилаб ювилади.

### Назорат саволлари

1. Томчилатиб сугоришнинг хусусиятлари.
2. Истиқболли сугориш усууллари.
3. Томчилатиб сугоришнинг афзаллик ва камчиликлари.
4. Суғориша сувдан тежамли фойдаланиш шартлари.
5. Ёмғирлатиб сугорища чиқинди сувлардан фойдаланишга қўйилган асосий талаблар.
6. Томчилатиб сугорища суғориш сувини тежаш шароитлари.
7. Эгатга тўшалган плёнкалар орқали суғоришнинг афзаллик ва камчиликлари.
8. ППА-165У суғориш машинасидан фойдаланиш шароитлари.
9. Самарали суғориш коэффициенти ва уни ошириш тадбирлари.
10. Етарлича суғорилмаганлик коэффициенти ва уни камайтириш чора тадбирлари.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Яншин А.Л. Экологические проблемы на пороге XXI века. М., «Наука» 1998, - с.5-10.
2. Абдуллаев А.К., Холбаев Г.Х., Дунё мамлакатларида шоли, буғдой, пахта толаси етишириш, Тошкент, 2005.
3. Тиллаев Р.Ш., Болкунов А.С., Дудчик Э.А., Пахтачилик комплексига бошоқли дон экинларини киритиш бўйича тавсиялар. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Тошкент, 1993, 126.

4. Тиллаев Р.Ш., Вилт билан заарланган тупроқларда ғўза етиштириш технологияси. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасига талабгорлик диссертация иши, Тошкент, 1994.
5. Ҳусанов Р.Х., Тиллаев Р.Ш., Дудчик Э.А., Экинларни навбатлаб экиш асослари (Тавсиялар). Қишлоқ ҳаёти. Тошкент. 1995.
6. Тиллаев Р.Ш., Экинларни навбатлаб экишнинг асослари. ЎзПИТИ, Тошкент, 2010, 99 – 102 б.
7. Artukmetov Z.A., Allanov X.K. Sug'orishning yangi texnologiyalari va undan foydalanish. T.: Toshkent Davlat agrar universiteti, 2010. – 132 b.
8. Сандигурский Д.М., Безроднов Н.А. Механизация поливных работ. М.: Колос, 1983.
9. Сапунков А.П. Механизация полива дождеванием. М.: Колос, 1984.
10. Артукуметов З.А. Сугоришнинг янги техника ва технологиилари. (Маъруза матнлари). Т.: ТошДАУ нашр-тахририят бўлими, 2003.-38 б.

## ГЛОССАРИЙ

- 1. Тупрок деб** - литосферанинг энг устки маълум бир унумдорликка эга бўлган ва қишлоқ хўжалик экинлари экиб етиштириш мумкин бўлган қатламига айтиладиди.
- 2. Тупроқ унумдорлиги** деганда- ўсимликларни бутун вегетация даври давомида сув, озиқ элементлари ва зарурий факторлар билан таъминлаш ҳамда фаолиятига кулий физик-кимёвий , кимёвий ва биологик шароитларни яратиш хусусияти тушунилади.
- 3. Тупроқ Структураси** деганда –тупроқнинг механик элементларини бир бирига ёпишиб, турли ўлчамдаги ҳосил қилган кесакчаларга айтилади.
- 4. Дала нам сифими** деганда-равитацион сув куйи қатламларга оқиб кетгандан ва буғланиш бартараф этилгандан кейин тупроқда максимал миқдорда ушланиб қолган намлик миқдори тушунилади.
- 5. Бегона ўтлар** деганда – инсон томонидан экилмайдиган, аммо экинлар орасида ўсадиган ва уларга зарар келтирадиган ўсимликлар тушунилади.
- 6. Экинларни далалар ва йиллар бўйича илмий асосда навбатлаб экиш –алмашлаб экиш деб аталади.**
- 7. Ротация даври**-Экинларни тартиби билан , белгиланган схемада ҳар бир далага экиш учун кетган вақт алмашлаб экиш ротацияси ёки ротация даври деб аталади.
- 8. Гербециллар**-Бегона ўтларга қарши кўлланиладиган химиявий воситаларнинг хаммаси (герба-ўт, цидо-ўлдираман).
- 9. Фотосинтез**-куёш нури таъсирида ўсимликлар баргida кечадиган муҳим физиологик жараён бўлиб, бунда сарбонат ангирид ва сув реакцияга киришиб глюкоза ва қислород ҳосил қиласи.
- 10. Транспирация**- муҳим физиологик жараён бўлиб, бунда намлик ўсимлик барглари оркали сарфланади. Транспираўия ўсимликни иссиқдан қизиб кетиши, ёки совукдан заарланишини олдини олади, иқлимини баркарорлаштиради.
- 11. Транспирация коэффициенти**- қишлоқ хўжалик экинларида бир бирлик биологик куруқ массанинг шаклланиши учун сарфланадиган сув миқдори.
- 12. Бошқарилмайдиган омил** - инсон томонидан бошқарилиши қийин бўлган ёки умуман бошқарилмайдиган ташки омилларга айтилади. Бундай омилларга иссиқлик, ёруғлик ва куёш радиацияси киради.
- 13. Бошқариладиган омиллар**- қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда инсон томонидан бошқарилиши мумкин бўлган омилларга айтилади. Бу омилларга тупроқ унумдорлиги, намлик, озика миқдори ва агротехник тадбирлар киради.
- 14. Экин**- инсон томонидан маълум бир мақсадда яъни озиқ овкат, чорва озукаси, хом ашё , дори дармон сифатида экиб етиштириладига ўсимликларга айтилади.
- 15. Тупроқ**- қишлоқ хўжалик экинлари экиб етиштириш мумкин бўлган ва маълум бир унумдорликка эга бўлган литосферанинг устки унимдор қатламига айтилади.
- 16. Алмашлаб экиш-қишлоқ хўжалик экинларини маълум бир вақт давомида белгиланган далаларда илмий асосда навбатлаб экилиш тартибига айтилади.**
- 17. Самарали ҳарорат-қишлоқ хўжалик экинларининг макбул ўсиб ривожланиши** учун таълаб этиладиган ҳароратга айтилади. Кўпчилик экинлар учун самарали ҳарорат  $10^0$  С дан юқори бўлган ҳароратларга айтилади.
- 18. Самарали ҳароратлар йиғиндиси**-  $10^0$  С дан юқори бўлган ҳароратлар йиғиндисига айтилади.

- 19.** Ўсиш-ўсимлиқда кечадиган физиологик , биокимёвий жараёнлар хисобига ўсимликнинг маълум бир вақт оралигига хажм ва массасини ортишига айтилади.
- 20.** **Ривожланиш-** ўсимлиқда кечадиган физиологик , биокимёвий жараёнлар хисобига ўсимликда янги сифат ўзгаришларининг шаклланишига айтилади.
- 21. Вегетация даври-** қишлоқ хўжалиги экинларида уруғ униб чиққандан , то ҳосилни тўлиқ пишиб етилгунча бўлган даврга ўсув даври ёки вегетация даври деб аталади.
- 22. Фенологик кузатувлар** - вегетация даври давомида ўсимликнинг ташки кўринишида содир бўладиган ўзгаришларни кузатиб ва кайд этиб боришга айтилади. Фенологик кузатувлар ҳар ойнинг дастлабки кунлари ҳар бир вариантнинг хисобли майдонларида махсус ёрлиқлар билан ажратилган ўсимликларда олиб борилади.
- 23. Учетлар-** тажриба вариантларида кузатиладиган барча ўзгаришларни (кўчат қалинлиги, бегона ўтлар, касалликлар, зааркунданалар билан заарланиш, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши, ҳосилдорлик).хисобга олиш. Учетлар маълум бир жараённи бошланишидан унинг 75% ўсимликда намоён бўлгунча ҳар 2-3 кун оралатиб олиб борилади.
- 24. Ҳосилдорлик-** қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чиқариш даражасини акс эттирувчи энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири хисобланади. Барча агротехник тадбирлар энг аввало ҳосилдорликни ошириш учун каратилади. Ҳосилдорликнинг ўлчов бирлиги - ц/га.
- 25. Биологик ҳосил-** қишлоқ хўжалик экинларининг барча ўсув ва ҳосил элементларининг умумий ҳосил (вегетатив ва генератив органлари) йиғиндисига айтилади.
- 26. Кўшимча ҳосил-** тажрибада ўрганилаётган омиллар таъсирида (минерал озиқлантириш, суғориш, янги нав, алмашлаб экиш ва бошқа агротехник тадбирлар) назорат вариантаға нисбатан етиштирилган ҳосилга айтилади.
- 27. Маҳсулдорлик-битта** ўсимликдан олинадиган ҳосилга айтилади. Маҳсулдорликнинг ўлчов бирлиги грамм/ ўсимлик.
28. Максимал ҳосил- қишлоқ хўжалик экинлари ёки навнинг барча омиллар етарли бўлган шароитда энг юқори ҳосил бериш имкониятига айтилади.
- 29. Минемал ҳосил –** қишлоқ хўжалик экинлари, нав ёки дурагайлардан тупроқнинг табиий унимдорлиги хисобига олинадиган ҳосилдорликка айтилади.
- 30. Вегетацион органлар-** ўсимликнинг ўсув органлари. Яъни, бунга ўсимликнинг илдиз, поя, барг сигари органлари киради.
- 31. Генератив органлар-** ўсимликнинг ҳосил органлари: шона, гул, мева, уруғ сингари органлари киради.
- 32.** Уруғ- муҳим генератив органларидан бири. Уруғ деб ўсимликнинг ирсий, биологик, морфологик белгиларини ўзида саклаган, бу белгиларни наслдан наслга ўтиши ва кўпайишини таъминлайдиган бошланғич материалга айтилади.
- 33. Минерал озиқлантириш-** ўсимликни мавсум давомида озиқа моддаларига бўлган эҳтиёжини хисобга олган ҳолда минерал ўғитлар кўллашга айтилади.
- 34. Асосий озиқлантириш-** маълум бир турдаги ўғитларни шудгорлашдан ва экишдан олдин асосий ўғит сифатида кўлланишига айтилади. Суғориладиган шароитда асосий ўғит сифатида кўпинча кам харакатчан бўлган фосфорли ва калийли ўғитларнинг 60-70% кўлланилади.

**35. Вегетацион озиқлантириш-вегетация** давомида қишлоқ хўжалик экинларига ўсимликнинг эҳтиёжини хисобга олган ҳолда минерал ўғитларнинг кўлланишига айтилади. Вегетацион озиқлантиришда асосан азотли ўғитлардан фойдаланилади.

**36. Макроўғитлар**-ўсимлик томонидан катта микдорда таълаб этиладиган элементларга макроэлементлар, ўғит турларига эса-макроўғитлар деб аталади.

**37. Микроўғитлар**- ўсимлик томонидан кичик микдорда таълаб этиладиган микроэлементлар, ўғитларга эса микроўғитлар деб аталади. Микроэлементларга-магний, кальций, бор, мис, темир сингари элементлар киради.

**38. Органик ўғитлар**-таркибида барча турдаги озика элементлари бўлган, тупроқ унимдорлигини саклаш ва ошириш учун кўлланиладиган махаллий ўғитларга айтилади. Органик ўғитларга: барча турдали чорва хайвонларининг гўнглари, парранда гўнглари, фекали, торф, компаст киради.

**38. Сув-** барча турдаги организмлар, шу жумладан ўсимликлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган, энг содда тузилишга эга бўлган ( $H_2O$ ) анорганик бирикма.

Ўсимлик танасининг кариб 80-90% сув ташкил этади. Ўсимлик барча турдаги озика моддаларини сувда эриган ҳолда ўзлаштиради.

**39. Суғориши-** тупроқ намлигини баркарорлаштириш ҳамда ўсимликни намга бўлган эҳтиёжини кондириш максадида амалга ошириладиган муҳим агротехник тадбир.

Бугунги кунда суғоришнинг бир канча усуллари мавжуд : эгаилаб , эгат оралати, бостириш, ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш усуллари кенг кўлланилади.

**40. Анъанавий технология-** узоқ йиллардан бери кўлланилиб келинаётган ва кўпчилик учун одат бўлиб қолган технологияга анъанавий ёки одатда кабул қилинган технология деб аталади.

**41. Экстенсив технология**-кўшимча ерлар (чўл, чала чўл, дашт ва ботқоқли ерлар) ўзлаштириш, кўшимча сарф харажат, ишчи кучи хисобига жами хосилни оширишга айтилади.

**42. Интенсив технология деб-** илм фан ютуқлари, илғор тажрибаларни кўллаш, автоматлаштириш, механизациялаштириш, химиялаштириш, серхосил нав ва дурагайларнен экиш хисобига майдон бирлигидан юкори хосил етиштиришга каратилган технология.

**43. Замонавий технология**-махсулот сифатини яхшилаш, хосилдорлигини ошириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, экологик мувознатни сақлашга каратилган, энергия ва маблағ тежовчи технологияларга айтилади.

**44. ФАР-** фотосинтетик актив радиация. ФАР қишлоқ хўжалик экинларидан юкори хосил етиштириш, ҳамда дала экинлар хосилини дастурлашда энг муҳим кўрсаткичлардан бири хисобланади.

**45. КПД**-фойдали иш коэффициенти. Мехнот унумдорлигини ва иқтисодий самарадорликка эришиш учун ҳар бир ишда фойдали иш коэффициентини ошириш лозим.

**46. Барг сатхи-** ўсимликдаги энг муҳим физиологик жараёнлар бевосита барг иштирокқида амалга ошади. Дала экинларида юкори хосил етиштириш учун умумий барг сатхи 35-40 минг/га дан кам бўлмаслиги керак.